ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

С.С. РАХИМХОДЖАЕВ, Д.Н. КАДЫРОВА

ТЎҚИМА ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан «Тўқимачилик ишлаб чиқариш технологияси» ва «Тўқимачилик саноати маҳсулотларини бадиий лойиҳалаш (десинатор)» йўналишлари бўйича тахсил олаётган магистрлар учун «Тўқима лойиҳалашнинг замонавий усуллари» фанидан дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ- 2011

Ушбу дарслик 5А540502 «Тўқимачилик ишлаб чиқариш технологияси» ва 5А540507 «Тўқимачилик саноати маҳсулотларини бадиий лойиҳалаш (десинатор)» мутахассислигидаги «Тўқима лойиҳалашнинг замонавий усуллари» фани бўйича тузилган ўқув дастурига асосланиб ёзилган.

Дарсликда Республикамиздаги пахта, ипак, жун, каноп, сўний ва кимёвий хом ащёлардан тайёрланган тўқималарни лойиҳалашни замонавий усуллари келтирилган. Лойиҳалашда тўқима тузилишининг дастлабки омиллари, тўқимани олдиндан берилган хусусияти бўйича, хусусан тахтлаш омиллари асосида юза зичлиги бўйича тўқима лойиҳалаш, юза зичлиги бўйича бир қатламли тўқима лойиҳалаш, тўқима ғоваклиги ва узилишга пишиқлиги бўйича лойиҳалаш усуллари келтирилган.

Дарслик давлат тилида илк бор ншр этилиб, унда «Тўқима лойихалашнинг замонавий усуллари» фани бўйича чоп этилган адабиётлардан ва муаллифларнинг илмий тадқиқот ишлари натижалари киритилган.

Муаллифлар дарсликни яратилишида ўз фикр-мулохозалари билан кўрсатган ёрдамлари учун Х.Н. Луқмановга миннатдорчиликларини билдирадилар.

Институт услубий кенгашида тасдикланган 2011 й. Баённома №

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтган давр давомида жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу маданий-маърифий мазмунга эга бўлган туб ислоҳотларнинг самараси сифатида намоён бўлмоқда. Бу ислоҳотлардан кўзланган ягона мақсад – Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва жамиятни барпо этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўзига хос жамият ҳаётини янгилашда муҳим ўрин тутади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётининг асоси бугунги кунда таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг билим даражаси ва эгаллаган кўникмаларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Энг аввало, бизнинг таълим тизимига бўлган муносабатимизни ҳам тубдан ўзгартириш керак. Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизг аён бўлсинким, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш мумкин эмас» [1].

Таълим тизимини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш учун имкон берувчи, мукаммал таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш каби масалалар бу соҳадаги ислоҳотлар асосини ташкил этади. Ёш авлодга таълим бериш жараёнини самарали ташкил этиш, уни илмий билимлар ҳамда маълум касб-ҳунар малакасини ўзлаштириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган таълим соҳасининг юксак даражада ривожланишинигина кафолатлабгина қолмай, балки халқ хўжалигини малакали, етук кадрлар билан таъминлаш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига мувофиқ жамиятда кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Миллий модел бутун моҳияти Билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат қилади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда, … вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак».Тукувчилик сохасининг технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чикариш салохиятини юксалтириш, хом ашёни тайёр махсулотгача етказиш ва уларни Дуне бозорида ракобатбардошлигини ошириш Узбекистон иктисодиётининг мухим шартларидан биридир. Бу масалани хал килишишда Узбекистон Республикаси хукумати томонидан бир катор чора тадбирлар амалга оширилмокда. Корхоналарни модернизация килиш, техник ва технологик кайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш каби вазифалар аввалambор иктисодиётнинг асосий тармоги, экспортга йуналтирилган ва махаллийлаштирилган ишлаб чикаришга тегишлидир. Мавжуд тўқимачилик корхоналарининг қайта жихозланиши, хорижий давлатлар билан қатор қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, уларда ишлайдиган мутахассисларнинг нафақат сонини кўпайтириш, балки уларнинг касб махорати ва билимларини оширишни ҳам тақозо этмоқда. Юкорида курсатиб утилган устувор вазифаларни бажариш юзасидан, жумладан, зарур ихтисосликлар буйича етук мутахассисларни тайёрлаш, илмий натижаларни амалиётга тадбик килиш, малакали мутахассисларни салохиятини мустахкамлаш йуналишидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга алохида эътибор бериш лозим.

1-БОБ. ТЎҚИМА АССОРТИМЕНТИ ВА ТУРКУМИ

1.1 Тўқима туркуми

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тўқима қуйидги белгилар бўйича бўлинади, яъни:

1. Тола тури (яъни хом ашё таркиби).
2. Тўқимани пардозлаш характери.
3. Тўқима қўлланилиши.
4. Тўқима ўрилиши.

Толавий таркиб

Толавий таркиби бўйича тўқима: ип газлама, ипак, жун ва зиғир тола тўқима гурухларига бўлиниб, хар бир гурух эса ўз навбатида кичик гурухларга бўлинади. Яъни масалан: табиий ипак тўқима, ипак тола ва кимёвий ип-вискоза, ацетат, капрон, лавсан ва хакозо толалар киради.

Толавий таркиби бўйича эса бир таркибли (танда ва арқоқ иплари бир ҳил), ҳар хил таркибли (танда ва арқоқ ҳар хил таркибли), аралаш (танда ва арқоқ иплари йигириш жараёнида ҳар хил тола таркибидан олинган) шунинг дек тўқималарни ярим ипакли, ярим жунли ва хакозо номлар билан хам аташади.

Тўқималарни пардозлаш жараёни бўйича:

- хом тўқима (пардозлаш жараёнида махсус ишлов берилмайди);
- оҳордан тозаланган (оҳордан тозалаш мақсадида бўктирилиб ювиш бажарилади);
- оқартирилган (оқартириш жараёнидан ўтган);
- сидирға бўлган (бир хил ранг билан бўялган);
- гул босилган (ҳар хил рангли гул босилган);
- мерсеризацияланган (ишқор билан ишланган);
- ипак тўқимани қайнатиш (ипак ипидан серицинни тозалаш);

- ишлов берилган (тўқимага кам киришиш, нам қайтарувчанлик, моғорлашга қарши ва ҳакозо, хусусиятларга қарши махсус ишлов бериш;
- тукли, тўқима юзасига тола учини тараш ёки махсус машиналар ёрдамида тук учларини қирқиш.

Тўқима қўлланилиши бўйича:

- кийимбоп-ички кийимлар, кўйлакбоп, кастъюмбоп ва устки кийимлар;
- уй жихозбоп-дастурхонбоп, адёл, парда мебелбоп ва гиламлар;
- техник тўқима-филтр (сузгич),тасма, шина, клеенкалар,линолиум ва изоляторлар (химояловчилар).

Тўқима ўрилиши бўйича:

- оддий тўқима юзасида бош ўрилишлар ёрдамида нақш ҳосил қилинган;
- майда нақшли ўрилишлар, тўқима юзасида ҳосила ва аралаш ўрилишлар асосида нақш ҳосил бўлган;
- мураккаб тўқилишли, ва бир неча система танда ва арқоқ иплари ёрдамида ҳосил бўлган тўқима, яъни тўқима ўзига хос ажур, кўп қатламли ва ҳакозо ҳусусиятларга эга бўлган;
- йирик нақшли, тўқимада нақш юқорида келтирилган барча ўрилишлар мажмуаси ёрдамида ҳосил бўлган.

Турлича тўқима ассортименти-ип газлама, ипак газлама, зиғир тола тўқима, жун газлама ва ҳакозоларга бўлинади.

Технологларнинг тўқима ассортиментини аниқ бўлиши учун, прейскурантга киритилган 3000га яқин тўқима тури, артикули, ўзининг саноқ номерига эга.

1.2. Ип газлама ассортименти

Ип газлама ассортименти қуйидаги гурухларга бўлинади: читлар, бўзлар, ички кийим, сатин, кўйлакбоп, кийимбоп, астарбоп, хар хил рангли тик газлама, мебилбоп газлама, тукли, рўмолбоп, сочиқ, суниий ипакли хом

тўқима, адёл, техник тўқима, донали буйимлар, дока, қоп ва қопловчи тўқималар.

Чит тўқималар

Чит тўқималар деб, гули босилган ёки сидирға бўялган хом чит айтилади. Хом читнинг асосий хоссаси, танда ипи йўғонлигининг арқоқ ипи йўғонлигидан юқоридалигида. Тўқима тўқиш учун кардсимон йигирилган хом ип ишлатилади.

Бўз тўқималар

Бўз тўқималарга гули босилган ва сидирға бўялган, полотно ўрилишли тўқималар киради. Танда ипи йўғонлигининг арқоқ ипи йўғонлигидан камлиги, бўз тўқиманинг асосий ҳусусияти. Бўз тўқиш учун кардсимон йигирилган хом ип ишлатилади.

Ички кийимбоп тўқима

Бу тўқималарга бўз тўқималари, хом читлар ва махсус тўқималар киради.

Бўз тўқималарга оқартирилган энли чойшаббоп, наджма тўқималар киради.

Хом чит тўқималарига оқартирилган сидирға бўялган ва гули босилган полотно ўрилишли, ягона аломати танда ипи йўғонлиги арқоқ йўғонлигидан юқори тўқималар киради. Мадеполам, муслин, шифон, нансук ва батист тўқима хом чит туркимига киради.

Махсус тўқималарга оқартирилган, саржа, атлас ва уларнинг хосила ўрилишлари асосида тўқилган ва танда ипи йўғонлиги арқоқ ипи йўғонлигидан кичик бўлган тўқима киради. Тик-ластик, гринсбон, асосан тиббиёт ходимлари ва сартарошхона ва озиқ-овқат таъминоти ишчилари учун халатлар тикилади.

Сатин тўқималар

Сатин тўқималари сидирға бўялган ва гули босилган, тўқималарга юмшоқ ипакдорлик хусусиятини бериш учун қўшимча ишқор билан ишлов берилган.

Хом ипнинг толавий таркиби бўйича сатин тўқималари: қайта тараш усулида йигирилган, кардсимон йигирилган ва аралаш йигирилган; тўқима юзаси арқоқ эффектли (арқоқ зичлиги устунли), танда эффектли (танда зичлиги устунли) бўлади.

Тўқима юзаси арқоқ устунли сатинга, московский, родина ва сатин файн, танда устунли сатинга ластик, джигуни, сатин-суа, сатин-либерти тўқималари киради.

Кўйлакбоп тўқима

Кўйлакбоп тўқималар-кузги, ёзги ва қишги гуруҳларга бўлинади.

Кузги кўйлакбоп тўқималар турлича полотно, саржа, креп, пике, репс ўрилишлар билан тўқилади ва асосан кардсимон оддий йигириш усули, қайта тараш усули билан йигирилган, эшилган хом иплар ишлатилади. Кашемир (саржа ўрилишли) шерстянка (креп ўрилишли), трувиль, гарус, зефир, (полотно ўрилишли) тўқималари бу гуруҳга киради.

Ёзги кўйлакбоп тўқималар асосан полотно, креп ва бурама ўрилишлари ва юқори номерли иплар ёрдамида тўқилади. Майя, шифон, вольта (юқори номерли), маркизет (эшилган ип), креп-весна ва креп-жаккард тўқималари ёзги кўйлакбоп тўқималар турига киради.

Қишки кўйлакбоп тўқималар полотно, саржа ва сатин ўрилишлар билан тўқилиб, арқоқ ипи учун юқори йўғонликдаги оддий йигирилган усулдаги иплар қўлланилади.

Тўқима юзида таралган тукли хусусиятга эга байка, фланел, бумазея тўқималари бу гуруҳга киради.

Кийимбоп тўқималар

Кийимбоп тўқималар сидарға бўялган, махсус гул босилган, ҳар хил рангли чипор тўқималарига бўлинади.

Сидирға бўялган тўқималарга молескин (арқоқ қопланишли кучайтирилган сатин ўрилишли), диагонал (оддий йигирилган ип, саржа

ўрилишли), габардин (эшилган ип, диогнал ўрилишли), устки кийимбоп плашевая тўқимаси (эшилган ип, полотно ўрилишли)киради.

Махсус-гул босилган тўқималарга, тўқима юзида махсус босилган нақш ва бўйлама йўл-йўл нақшли диагонал ва молескин киради.Ҳар хил рангли чипор тўқималарга костюмбоп трико (танда ипи эшилган, саржа ўрилишли) Каверкот-меланж (рангли эшилган танда ипи, диагонал ўрилишли) киради.

Бу тўқималарнинг юзасида тукли арқоқ ипи таралади ва саккиз шодали кучайтирилган сатин ўрилиши билан тўқилади.

Астарбоп тўқималар

Бу тўқималар кийим тикишда астарлик учун қўлланилиб, коверкот, карманная, саржа ва бортовка тўқималари киради.

Ҳар хил рангли тўқималар

Туальденор, патриотик тўқималар кул рангли, оқ рангли танда ва қора арқоқ иплари ишлатилиб, полотно ўрилиши билан тўқилади.

Тик тўқималар

Тик тўқималар бўйлама кенг йўл-йўл рангли ва оқ рангли нақишли саржа, полотно ва атлас ўрилишлар билан тўқилади. Йўл-йўл нақшли тўқимага гул босиш усулида ёки рангли танда ипини тандалаш усули билан хосил қилиш мумкин.

Мебилбоп (уй-жихозлари) тўқималар

Уй жиҳозларини қоплаш учун қўлланилиб, гул босилган мебилбоп тўқималар ва йирик нақишли (мебилбоп гобелен) тўқималар киради. Бу тўқималарни тўқишда кичик йўғонликдаги арқоқ ипи ва бир нечта система рангли ёки эшилган танда ипи ишлатилади.

Тукли тўқималар

Тукли тўқималар: арқоқ тукли бахмал, велъвет-рубчик, велъвет-корд киради. Тўқима юзасида туклар пардозлаш жараёнида қирқилади.

Рўмоллар

Бу тўқималар бош рўмоллар ва дастрўмолларга бўлинади. Бош рўмоллар майя ва читларга гул босиш билан ишлаб чиқарилади. Дастрўмоллар гул босилган, рангли читдан, батист ва шифондан фойдаланилади.

Сочиқлар

Сочиқлар асосан вафел ўрилишли ва ҳалқа (махр) ўрилишли бўлади. Намликни яхши сингдирувчан бўлиши учун сочиқлар кам эшилган иплардан тўқилади.

Хом тўқималар

Хом бўз, хом сурип техник мақсадда ишлатилади.

Суъний ипак тўқималар

Танда пахта ипи ва арқоқ учун суний ипак ипи ишлатилади. Тўқима тўқиш учун йирик нақишли ва майда нақишли ўрилишлардан фойдаланилади.

Одёллар (кўрпалар)

Одёллар асосан таралган (байка) ва ёзги (таралмаган) бўлади.

Таралган байка одёллар тўрт шодали саржа ёки сатинли йирик нақишли ўрилишлардан ва катта йўғонлиги арқоқ ипидан тўқилади.

Ёзги одёллар ҳар хил йўғонликдаги икки система арқоқ ипли оддий пике ўрилишли ва мураккаб пике ўрилишлар ёрдамида тўқилади.

Техник тўқималар

Техник тўқималар камар, тасма, сузгичлар, химояловчилар, клеенка ва хакозо мақсадларда қўлланилади. Бошмоқбоп тўқима, чодир тўқима, кирза, бельтинг, брезент, филътр тўқималар техник тўқималар туркумига киради.

Техник тўқималар бир қатламли ва кўп қатламли бўлиб, улар асосан катта чизиқли зичлиги иплардан тўқилади.

Донали бир кийимли буюмлар

Бир кийимлик (чит, сатин, пахмоқ) тўқималардан кўйлак, фартук тикиш учун фойдаланилади.

Дока

Дока тўқимада танда ва арқоқ иплари бўйича зичлиги сийрак (кичик) бўлиб, полотно ўрилиш билан тўқилади. Дока асосан тиббиёт ва техник мақсадларда ишлатилади.

1.3. Ипак тўқима ассортименти

Ипак тўқима ассортименти маиший ва техник мақсадлар учун тўқилиб, табиий ипак ва сунъий ипакдан, аралаш ипак тўқима, тукли тўқималардан ташкил топган.

1.3.1. Табиий ипак тўқималар

Бундай тўқималар ташқи кўриниши нафис ва ишлатиш даври узоқ бўлиб, асосан аёллар учун кўйлаклар, эркаклар учун костюм, кўйлак ва галстуклар тикилади. Бу тўқималарни тўқиш учун танда ва арқоқ учун ипак, ҳам эшилган ипак ишлатилади.

Табий ипак тўқималари тузилиши бўйича креп, полотно, сатин, шаклдор ва техник тўқима турларга бўлинади.

Креп тўқималар

Тўқима тўқиш учун катта ўнг ва чап бурам берилган танда ва арқоқ ипларининг ишлатилиши, тўқима юзаси донадор жилвали кўринишга эга бўлади. Бу гуруҳга крепдешин, крепжоржет, крепшифон, крепсатин, фай-дешин, креппаризьен тўқималари киради.

Крепдешин - полотно ўрилиш билан тўқилиб, танда (учта ёки тўртта хом ипак битта тўқув ипи сифатида) хом ипак, иккита ўнг бурамли ва иккита чап бурамли арқоқ ипак ипни ташланади.

Крепжоржет - полотно, ўрилиш билан тўқилиб, танда ва арқоқ уч ёки тўрт ипи бурамга эга. Арқоқ креп ипи хомузага навбатма-навбат иккита ўнг бурамли иккита чап бурамли арқоқ ипи ташланади.

Крепшифон - енгил, нафис ва чидамли тўқима бўлиб, полотно ўрилиш билан тўқилади танда ва арқоқ ипи учун иккита креп ип юқори бурамга эга иплар ишлатилади.

Крепсатин - сатин ўрилиш билан тўқилиб, юзаси ялтироқ кўринишга эга. Танда ипи учун хом ипак (иккита ип битта тўқув ипи сифатида) ишлатилади. Арқоқ ипи тўртта ип навбатма-навбат иккита ўнг бурамли, иккита чап бурамли ип хомузага ташланади.

Файдешин - репс ўрилиш билан тўқилиб, иккита тўқув ғалтагида асос танда ва боғловчи танда иплари ишлатилади. Шу сабабли тўқимада танда зичлиги ошади ва ипларнинг силжиши камаяди. Асос танда иккита ип битта тўқув ипи ва боғловчи танда ипи эса битта ип сифатида ва арқоқ тўртта креп ипи ишлатилади.

Креппаризен - полотно ўрилиш билан тўқилади. Танда учун хом ипак ипи ва арқоқ учун тўртта креп ипи ишлатилади. Танда учун хам ипак ипининг ишлатилиши тўқима юзасида танда бўйича йўл-йўл нақшнинг хосил бўлишига сабаб бўлади. Юқорида келтирилган тўқималар аёллар учун кўйлаклар, костюм, эркаклар учун костюм ва кўйлаклар, галстуклар учун мўлжалланган.

Полотно тўқималар

Ташқи кўриниши бўйича нафис, ялтироқ, юмшоқ ва юпқа тўқималар. Бу тўқималар асосан полотно ўрилиш билан тўқилиб, табиий хом ипак, ипак ипи ва кичик бурамли ипак иплари ишлатилади. Бу тўқималарга фуляр, чесуча, туссор тўқималари киради.

Сатин тўқималар

Либерти, атлас, армюр, сатин тўқималари бу гурухга мансуб бўлиб, атлас ва майда нақшли ўрилиш билан тўқилади.

Либерти – енгил тўқима, юзаси ялтироқ кўринишга эга бўлиб астарлик ва кўйлаклар учун мўлжалланган. Атлас ўрилиш билан тўқилиб, танда-хом ипак, арқоқ-ипак ипи ишлатилади.

Атлас – юпқа ялтироқ юзага эга бўлиб кўйлак, халат ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Танда-хом ипак ёки кичик бурамли ипак ипи, арқоқ-икки, тўрт, олтита ипак ипи ишлатилади.

Армюр – зич нақшдор тўқима бўлиб, астарлик ва кийимбоп тўқима. Тўқима майда нақшли ўрилиш билан тўқилиб, танда-эшилган ипак ипи ёки хом ипак ипи, арқоқ учун кичик бурамга эга хом ипак ипи ишлатилади.

Сатин – жуда зич тўқима бўлиб кўйлак ва кийимлар учун астарлик сифатида ишлатилади. Атлас ўрилиш билан тўқилиб, танда бўялган ипак ипи ва арқоқ учун хом ипак ипи ишлатилади.

Жилвадор тўқималар

Йирик нақшли ўрилиш билан тўқилган тўқима юзасида нақш атлас ўрилиш асосида хосил бўлади. Индухун, мангол хонимн (дама манголская), штоф ва хакозо тўқималар жилвадор кўринишга эга.

Индухун – йирик нақшли, тўқимада геометрик нақшли гуллар, аждарҳо кўринишига эга. Бўялган танда ипак ипи ва икки учли арқоқ ипак ипи ишлатилади.

Мангол хонимн – йирик нақшли гули нусхали тўқима. Танда учун бўялган табиий ипак ипи, арқоқ бўялган ипак ипи ишлатилади. Бу тўқималар устки кийим учун мўлжалланган.

Штоф – мебелбоп ва галстуклар учун мўлжалланган.

1.3.2. Табиий ипак аралашмали тўқималар

Бу тўқималарда бир система ипи табиий ипак ишлатилса, иккинчи система ипи бошқа тола (м-н: пахта толали ва хакозо) ишлатилади. Тўқиш жараёнида тўқима юзасида табиий ипак тола устун бўлса, тўқима тескари томонида эса пахта толаси устун бўлади. Бу тўқималарни асосан полотно, саржа, сатин ва йирик нақшли ўрилишлар билан тўқилади.

Бу тўқималар кўйлаклар, костюм ва мебелбоп тўқималар хисобланади.

1.3.3.Суний ипак толали тўқималар

Суний ипак толали тўқималар ассортименти, табиий ипак толали тўқималар ассортиментига нисбатан юқори солиштирма оғирликка эга бўлиб, ўзининг яхши устки кўриниши билан ва кам таннархи билан ажралиб туради. Ўзининг хоссалари бўйича ипак толали тўқималарга яқинлиги сабабли, табиий ипак тўқималар сингари номланади креп, жилвадор ва глад тўқималарга бўлинади.

Креп тўқималар

Сунъий ипак тўқималар ассортименти қаторидан креп тўқималар асосий ўрин эгаллайди. Танда ипи учун сунъий ипак оддий эшилган ёки буралган (муслин, креп) арқоқ ипи учун эса бурам берилган сунъий ипак (креп) ишлатилади.

Крепдешин – тўқима ўрилиши полотноли, танда бўйича тўқима зичлиги арқоқ бўйича тўқима зичлигига нисбатан юқори. Танда кичик бурамга эга суний ипак, арқоқ юқори бурамга эга уч-тўрт бурамли креп ипи хомузага иккита ўнг бурамли арқоқ ипи ва иккита чап бурамли арқоқ ипи ташланади. Тўқима юзаси табиий ипак креп тўқима юзасига ўхшаш .

Крепжоржет – вискоза ёки мис-аммиакли ипак, танда ва арқоқ учун креп бурамли иплардан ишлаб чиқарилади. Тўқима ўрилиши полотноли майда нақшли (вафел, крепжоржет, гофре) бўлади.

Крепгранит – оғир, куйлак-костюмбоп тўқима. Тўқимадаги креп хусусият майда нақшли креп ўрилиш натижасида кучайтрилади. Танда учун кичик бурамли вискоза ипак ипи, арқоқ учун махсус жилвадор бурамга эга(креп-гранит) ип ишлатилади.

Крепармюр, крепсатин, крепвиктория, крепшотландия ва хакозо тўқималари бу тўқималарга киради. Хар хил бурамли танда ва арқоқ ипининг қўлланилиши, ўрилиш, ранг ва ип йўғонлиги тўқимада хар хил нақшларни келтириб чиқаради. Пардозлаш жараёнидан сўнг тўқима юзасида бу нақшлар яққол кўринади. Бу тўқималар майда нақшли ўрилиш билан тўқилиб, танда

учун креп вискоза ипак ипи, арқоқ учун эса муслин ипи ёки тескари, яъни танда учун муслин, арқоқ учун креп ипи қўлланилади.

Глад (сидирға) тўқималар

Глад тўқималар полотно саржа, сатин, аралаш ва майда нақшли ўрилишлар билан тўқилиб сунъий ипак кичик бурамга эга жилвадор ва муслин хом ашё сифатида қўлланилади. Полотно , маркизет, сатин бу гуруҳга кириб кўйлакбоп, устки кийимлар (плаш) астарбоп тўқима хисобланади.

Полотно – асосан кўйлак ва эркаклар кўйлаги учун мўлжалланган. Ўзининг тузилиши жихатидан табиий ипак полотно тўқимасига яқин. Ўрта йўғонликга эга кичик бурамли сунъий ипакдан тўқилади.

Маркизет – полотно ўрилишли эшилган сунъий ипак (муслин) ипидан тўқилади. Ипакнинг катта бурамга эгалиги, ҳам ғижимланувчан ва тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги кичик тўқима туфайли асосан кўйлаклар учун мўлжалланган.

Сатин – сатин , эпонж , пике асосан астарбоп эркаклар кўйлаги ва плашлар учун мўлжалланган. Сатин танда бўйича юқори зичликка ва арқоқ бўйича кичик зичликка сунъий ипакдан атлас ўрилиш билан тўқилади. Эпонж – юқори бурам жилвадор танда ва арқоқ ипидан тўқилади. Пике – пике ўрилиш билан тўқилиб бўйлама, тўқима юзасида бўйлама рубчик хосил қилади.

Жилвадор тўқималар

Жилвадор тўқималар асосан йирик нақишли ўрилиш билан тўқилиб, асосан устки кийим бош, пальто ва астарлик учун мўлжалланган.

Штапел тўқималар

Штапел тўқималар кўйлаклар тикиш учун қўлланилади, танда ва арқоқ учун (асосан викоза битта ёки иккита ип эшилган) муслин ёки креп штапел ипи ишлатилади.

Штапел ва саржа тўқималари бошқа ипак иплари билан ва пахта ипи билан биргаликда тўқилиши мумкин кашемир, сатин, дубл ва хакозо).

1.3.4. Яримшойи суний ипакли тўқималар

Тўқима юзасида сунъий ипак ипи ва тескари томонида эса пахта ипи эгаллаган, тўқима юза зичлиги юқори бу тўқималар сатин саржа ва майда нақшли ўрилишлар билан тўқилади ва астарлик учун, мебельбоп ва декоратив учун қўлланилади (радоме, астарбоп саржа, дама, жилвадор поплин).

1.3.5. Тукли тўқималар

Духоба, жилвадор духоба, мўйна духоба тукли тўқима гурухига кириб, тук учун табиий ва сунъий ипак қўлланилади. Тўқима асоси учун танда ва арқоқ эшилган пахта ипи ёки эшилган ипак ип ишлатилади.

Духоба калта ва зич тукли, жилвадор духоба – ўрта узунликдаги тук, мўйна духоба эса узун тукли тўқима. Тук узунлиги ва зичлигига боғлиқ холда тукли тўқималар кўйлакбоп, устки кийимбоп ва хоказо мақсадларда ишлатилади.

1.4. Жун тўқималар ассортименти

Жун тўқималар ассортименти маиший (кийимбоп, декоратив) ва техник мақсадларда қўлланилади. Танда ва арқоқ ипи сифатида – қўй, эчки туя ва хоказо жунларни йигиришдан олдин сунъий ипак, пахта толалари аралашмаси билан ишлатилади. Бу толалар аралашмаси миқдори бўйича тоза жун ва ярим жун тўқималарига бўлинади.

Тўқимада ишлатилган ип тури бўйича қайта тарошланган, мовут ва аралаш жун тўқималарга бўлинади. Кийимбоп тўқималарга кўйлаклар, костюм, шим, палто ва рўмоллар, мўйна, астарлик, одеял ва пойабзаллар учун ишлатилади.

Декоратив тўқималар эса мебеллар учун қопламалар, гиламлар, тўшамчалар, шолчалар ва хоказо учун ишлатилади.

1.4.1 Қайта тарошланган (камвол) тўқималар

Тўқима юзаси силлиқ, текис юзали, равон нақшли ўрилишга (асосан саржа ёки диоганал) эга.

Тўқима тўқиш учун қайта тарошланган ип ишлатилганлиги учун тўқима юза сирти мовутга нисбатан кам. Тўқиманинг танда зичлиги арқоқ зичлигига кўра каттароқ бўлади. Тўқима ишлаб чиқариш учун жун ва яримжун иплардан фойдаланилади. Тўқима асосан кўйлаклар, костюм, шим, палто ва махсус кийимларга бўлинади.

Кўйлакбоп тўқималар

Бу тўқималар аёллар ва болалар учун кўйлаклар тикишга мўлжалланган. Кўйлакбоп тўқималарга пахта ипи аралашган ярим жун ва ярим ипак ипи аралашган ярим жун ва тоза жун тўқималарга бўлинади. Ярим жун тўқималарда 20% дан 80% гача жун ишлатилади. Саржа ўрилиш билан тўқилиб, танда пахта ипи, арқоқ эса жун ипидан фойдаланилади (кашемир), ёки танда рангли пахта ипи, арқоқ эса жун пахта ипи билан эшилган (шотландка), ёки сунъий ипак билан эшилган ип (корд, креп-жаккард).

Тоза жун кўйлакбоп тўқималар саржа асосида майда нақшли ўрилиш билан тўқилганлиги туфайли нафис, чиройли ташқи кўринишга эга (кашемир, фай, эффект, креп ва хоказо тўқималар).

Костюмбоп тўқималар

Костюмбоп тўқималар йўл-йўл, катак нақшли ўрилишли, рангли ва рангсиз иплар ёрдамида тўқилади. Бу тўқимлар ярим жун пахта ёки сунъий ипак ипи аралашган ва тоза жун тўқималарга бўлинади. Коверкот, костюмбоп шим, палто, трико, ва техник тўқималари бу гурухга мансуб.

1.4.2. Мовут тўқималар

Мовут тўқималар рангсиз чипор ва хар хил рангли бўлиб танда ва арқоқ учун аппарат усулида йигириб олинган жун иплари ишлатилади.

Мовут тўқималар юқорида келтирилган тўқима гурухидан ўзининг тузилиши билан фарқ қилади ва тўқима юзаси намат кўринишга эга бўлади.

Бу гурух туркуми ярим жун ва тоза жун шевиот, мовут, костюмбоп, пальто, драп, одеял, сунъий мўйна ва тўқималарни ўз ичига олади.

1.5. Зиғир тўқималар ассортименти

Зиғир тўқималар бошқа тўқималарга нисбатан кам ишлаб чиқарилади ва асосан техник мақсадларда ишлатилади. Чўзилишга чидамлилиги, мустахкамлиги, чиройли ташқи кўриниши, яхши ювилиши ва дазмолланиши каби хусусиятлари юқори бахоланади.

Ғижимланиши ва ювилгандан кейинги катта қисқаришга эгалиги унинг камчилигига киради.

Бу тўқима туркимига чойшаббоп, кўйлакбоп, костюмбоп, парусина, қопсимон, дастурхонлар киради.

1.6. Абрли тўқималар

Атлас, адрас, беқасаб миллий абрли тўқималар туркумига киради. Камалак рангли бўйлама ўқсимон нақшлари билан абрли тўқималар алохида ажралиб туради. Ишлаб чиқилган нақш контури тайёрланган либитлар юзасига тушириб чиқилади. Танда ипларни бўяш нақшдаги рангларга мувофиқ тарзда бирин-кетин бажарилади. Абрли атлас, адрас тўқималардаги нақш асосан уй жихозлари, ўсимликлар дунёси ва геометрик шаклларни ўзида мужассам этади. Нақш нусхасига асосан номланади, масалан: «Тароқ», «чархпалак», «нок», «ноғора», «қучқор шохи» ва хоказо. Беқасаб асосан эни ва ранги ҳар-хил бўлган бўйлама йўл-йўл нақшли абрли тўқима бўлиб, танда иплари бўялган тўқув ғалтакдан ва бир рангли арқоқ ипидан тўқилади. Абр нақшлари билан бўйлама йўл-йўл нақшни аралаштириб, бухоро беқасаби, банорас тўқималарини ишлаб чиқариш мумкин.

2-БОБ. ТЎҚИМА ТУЗИЛИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

2.1. Тўқима тузилиш кўрсаткичлари

Тўқима тузилиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- хом-ашё таркиби ва ипларнинг тури ёки калава ипи;
- ипнинг ёки калава ипининг чизиқли зичлиги;
- танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичлиги нисбат коэффиценти;
- ипнинг кўндаланг кесимининг ўлчамлари, тўқима хосил бўлгунга қадар, хамда тўқимада;
- тўқимадаги танда ва арқоқ иплпринининг ўрилиши (раппорт) ипларнинг кесишиш сони, силжиш, тўқимадаги қатламлар сони;
- танда ва арқоқ бўйича тўқима зичлиги;
- тўқимадаги танда ва арқоқ зичликларини нисбат каэффиценти;
- тўқимадаги танда ва арқоқ иплирининг қисқариши;
- тўқимани ишлаб чиқаришда технологик омиллар (танда ва арқоқ ипларнинг таранглиги);
- тўқимани пардозлашда технологик омиллар (киришиш, тортишиш, мустахкамланиш ва хакозо);

Тўқимани толали махсулотлар билан чизиқли ва юза тўлдирилишини, ипнинг кўндаланг кесими ва тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги билан аниқланади.

Тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги, ипнинг кўндаланг кесими ва тўқиманинг ўрилиши – тўқимани тўлдириш коэффиценти ёки тўқимани боғланиш коэффицентини аниқлайдилар, яъни тўқимани тўқув дастгохда ишлаб чиқаришни кескинлигини кўрсатади.

Пишиқлик, чўзилиш, қаттиқлик (бикрлик, жесткост), ғижимланмаслик, нам шимдирувчанлик, иссиқлик сақловчи ва бошқа физик – механиқ хусусиятлар тўқимани тузилишини аниқлайди. Тўқималар маълум бир сифат кўрсаткичларига эга бўлиши керак, яъни ишлатилиши (ташқи механиқ таъсири), ва улар умумий ва қўшимча кўрсаткичларга бўлинади.

- Умумий сифат кўрсаткичлар:
- тўқиманинг ёки махсулотнинг эни, см;
- юза зичлик, гр/м^2;
- тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги, ип/дм;
- тўқиманинг узилиш кучи, Н;
- бўёқлар турғунлиги (мустахкамлиги), балл;
- ўрилиши;
- намликни сақланиши,
- Қўшимча сифат кўрсаткичлари:
- йиртилишга чидамлилиги, Н;
- узилишдаги узайиши, %;
- ишқаланишга чидамлилиги, %;
- ювилгандан сўнг киришиш, %;
- нам ўтказувчанлик, Н/м^2;
- нам шимувчанлик, %;
- ғижимланмаслик, %;

Тўқималарни сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари, тўқималар ва донали махсулотлар учун стандарт ва техник шартларида берилган.

Тўқималарни лойихалашдан мақсад – тўқима тузилиш омилларин аниқлаш ва тўқув дастгоҳида берилган омиллар бўйича тўқимани ишлаб чиқариш (тўқимани юза зичлиги, қалинлиги, чўзилишга пишиқлиги, тўлдириш коэффиценти ва хакозо).

2.2. Иплар ва хом ип

Хом ипни чекланган узунликдаги толалардан йигириш жараёнида ишлаб чиқарилади. Ип тахтланган, елимланган ёки бурам берилган бир неча узунроқ элементар иплардан иборатдир. Ингичка эгилувчан ва ноаниқ узунликдаги мустахкам ипни ёки хом ипни тўқимачилик ипи деб номланади.

Тўқимачилик иплар табиий (пахта, жун, ипак, зиғир) ва кимёвий (целилюзадан хосил бўлган сунъий ва полиэфир, полиакриллнитрил, полиамид симон, поливинил хлорид ва хакозо) табиат яратган толаларга бўлинади.

Пахта толали хом иплар

Хом ашё бир турдаги (пахта) ва аралаштирилган (бошқа толали хом ашё билан аралашган) ип танда ва арқоқ ипларда қўлланилади.

Пахта толалари қайта тараш, карда, аппарат ва пилик системаларида йигирилади.

Пишитилганлик бўйича хом ашё якка иплик (чап ва ўнг бурамли, букле), қўшилган ип, шаклдор ипларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш бўйча хом ашё оқартирилган, хом ип, бўялган, меланж (толада бўялган) ва мулине ипларга бўлинади.

Жун иплар

Жун иплари соф жунга оид ва ярим жун (яъни жун ипи пахта ёки вискоза ипи билан эшилган) ипларга бўлинади.

Йигириш усули бўйича майин (ингичка) қайта таралган жун, дағал қайта таралган ва аппарат усулларга бўлинади. Пишитилган иплар якка ипли, оддий ва шаклдор ипларга бўлинади.

Ипак иплар

Ипак иплар қуйидаги ипларга бўлинади:

- хом ипак – ипак қуртининг табиий усули билан йилимланган элементар толаларидан иборат;
- эшилган ипак иплари кам бурамли (600 бур/м гача);
- эшилган ипак иплари юқори бурамли (2200 бур/м гача), яъни креп, гренадин;
- пиллани ва тўқувчилик жараёнинг чиқиндиларидан йигириш йўли билан олинган ипак ипи.

Кимёвий иплар

Хом ашёнинг турига қараганда қуйидагиларга бўлинади:

Сунъий (вискоза, ацетат, комплекс (ялпи) триацетат ва текис турланган), полиамидли синтетик (капрон) ва полиэфирли синтетик (лавсан), нитронли.

Эшилиш усуллари бўйича қуйидаги турларга бўлинади: Камбурамлик (600 бур/м гача) ва юқори креп бурамлик (1400-2600 бур/м).

Ундан ташқари москреп турдаги шаклдор эшилган икки ипдан иборат бўлган – бири (кам эшилган) иккинчиси жилвали (креповая) ва эпонж (юза томонида халқаси бор) иплар қўлланилади.

Текстурланган иплар юқори солиштирма хажми ва қайтаришли, чўзилувчанлиги (юқори чўзилувчанлик, чўзилувчанлик ва ночўзилувчанлик) билан фарқ қилади.

Пардозлаш турига қараб кимёвий иплар ялтироқ жилосиз (матированными) хом толалар ёки ипларда бўялган, оқартирилган ва хакозо. Тўқима лойихалашда хом ашё тўғри танланиши лозим, ипнинг чизиқли зичлигига, мустахкамлик, чўзилиш, пишитилиш, ипнинг кўндаланг кесим ўлчами, чидамлик, намлик, нам шимдирувчанликга алоҳида эътибор бериш лозим.

2.3. Ипнинг чизиқли зичлиги

Ипнинг чизиқли зичлиги бир бўлак узунликдаги ипнинг оғирлигини кўрсатади ва қуйидагича аниқланади:

$$T = \frac{m}{L} \text{ текс} \qquad (1)$$

Бунда: m – ипнинг оғирлиги (г); L – ипнинг узунлиги (км).

Тўқувчилик жараёнида ишлатиладиган танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичлигига таъсир этувчи, турли технологик жараёнлардан ўтади.

Ипнинг амалий чизиқли зичлиги қуйидагича аниқланади.

$$T_ф = T \cdot \eta_1 \cdot \eta_2 \ldots\ldots \cdot \eta_n \qquad (2)$$

бунда: $\cdot\eta_1$, η_2 , η-тукув жараёнидаги технологик жараёнлар натижасида ипнинг чизиқли зичлигини ўзгариш коэффициентлари.

Танда ва арқоқ ипларнинг нисбатларига боғлиқ холда тўқима йўғонлиги мувозонатланган ($T_T = T_a$;) ва мувозонатланмаган ($T_T = T_a$) булиши мумкин.

Мувозонатланмаган-тўқиманинг чизиқли зичлиги мувозонатсизлик коэффициенти (Кт) билан аниқланади.

$$K_T = \frac{T_T}{T_a} \qquad (3)$$

Одатда K_T<1,1; йўғон иплардагина K_T<1,4 мувозонатсизлик коэффициенти тўқимага тўлиқ тавсиф бермайди.

Чунки турли ипнинг чизиқли зичлигини бирлаштиришда турли кўрсаткичларга олиб келади. Тўлиқ тавсиф учун ипнинг ўртача чизиқли зичлиги кўрсаткичини қўллаш лозим.

$$T_{ур} = \frac{2T_T \cdot T_a}{T_T + T_a}, \text{ текс} \qquad (4)$$

2.4 Узилиш кучи

Чузилётган ипнинг максимал оғирлигида узилиш кучи чидамлиги. Ипнинг мустахкамлиги, ипнинг чизиқли зичлиги хисобга олиниб, нисбий узилиш кучи (нисбий мустахкамлик) қуйидагича ифодаланади:

$$\sigma_{уз} = \frac{Q_{уз}}{T} \qquad (5)$$

бунда: $Q_{уз}$-ипнинг узилиш давридаги максимал кучи (Н).

Тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг бошланғич нисбий узилиш кучлари орасидаги нисбати тўқиманинг мувозонатсизликнинг нисбий мустахкалик бўйича коэффициенти деб номланади ва қуйидагича ифодаланади:

$$K_р = \frac{\sigma_{P_T}}{\sigma_{P_a}} \qquad (6)$$

2.5 Ипнинг узайиши

Эгилувчан кайтувчи юкори эластик (қисқачам кайтувчи) ва ортган (кайтараолмаслик) узайишдан иборатдир. Узайишлар абсолют ва нисбий бўлади.

Абсолют узайиш (Δl)-узилишгача чўзилган ипнинг максимал узунлиги.

Нисбий узайиш-абсолют узайиш ва ипнинг бошланғич узунлиги нисбатини фоиз орқали ифодасига айтилади.

$$\varepsilon = \frac{l_1 - l}{l} 100 = \frac{\Delta l}{l} 100, \%$$ (7)

бунда: l_1-узилиш давридаги ипнинг максимал узунлиги, (мм); l-ипнинг бошланғич узунлиги, (мм).

Ипнинг абсолют ва нисбий узайиш кўрсаткичлари тўқима тузилишга ва тўқимадаги ипнинг қисқаришига таъсир қилади.

2.6 Хом ип ва ипларни эшиш

Маълум узунликдаги ипга берилган бурам сони-эшиш (пишитиш) деб номланади. Бурам ипнинг кўндаланг кесим ўлчамларига, сирт тузилишига таъсир қилади. Тўқиманинг юза кўриниши эшилишнинг йўналишини аниқлайди.

Танда ва арқоқ ипларнинг бурам йўналиши бир томонлама бўлса, тўқима сиртидаги нақшлар яққол кўринади.

Танда ва арқоқ ипларнинг бурам йўналиши ҳар томонлама бўлса, тўқиманинг сиртидаги нақшлар ноаниқ кўринади.

2.7 Ипларнинг кўндаланг кесими ўлчамлари

Ипнинг кўндаланг кесими ўлчами хом ашёнинг турига, чизиқли зичлигига ва эшилишига боғлиқ.

Ипнинг кўндаланг кесими ўлчами шартли *d* орқали белгиланади ва кесими цилиндр шаклида бўлса қуйидаги формула билан аниқланади.

$$d = 2\sqrt{T} / \sqrt{\sqrt{\gamma_n^{\pi} \cdot 1000}} = 0{,}0357\sqrt{\frac{T}{\gamma_n}} \qquad (8)$$

бунда: Т-ипнинг чизиқли зичлиги, текс; γ_n-хом ашёнинг турига боғлиқ бўлган ипнинг зичлиги, мг/мм^3.

Амалда ип толаларнинг оралиғида бўшлиқ ва қувр (канал) бўлади, шу сабабли ип диаметрини ҳисоблаганда-ипларнинг ўртача чизиқли зичликларини ҳисобга олинади.

$$d = 0{,}0357\sqrt{\frac{T}{\gamma_m}} \qquad (9)$$

бунда: γ_m-ипнинг ўртача зичлиги, мг/мм^3

Ип диаметрини қуйидаги коэффициент ёрдамида ифодалаш мумкин.

$$C = 1{,}1284 / \sqrt{\gamma_m} \qquad (10)$$

бунда:

$$\sqrt{\gamma_m} = \frac{1{,}1284}{C} \qquad (11)$$

(9) формулага кўрсаткичлар киритсак, қуйидаги кўринишга эга бўламиз.

$$d = 0{,}0316C\sqrt{T} \qquad (12)$$

1 жадвалда хом ашёнинг турига боғлиқ бўлган кўрсаткичлар келтирилган.

Жадвал 1

№	Хом ашё, ип	C	γ_m	γ_n	δ
1	Пахта толали хом ип				
	Тараш усулида олинган ип (кардная)	1,25	0,815	1,52	12

	Кайта тараш усулида олинган ип (	1,24	0,828	1,5	13
	(гребенная)	1,35	0,7	1,5	7
2	Жун хом иплар Мовутсимон жун (камвольная)	1,28	0,731	1,31	11
	Мовутсимон жун (суконная)	1,36	0,688	1,31	8
3	Табиий ипак иплар				
	Хом ипак (суровые)	1,4	0,65	1,35	22
	Пишитилган ипак (отваренные)	1,25	0,802	1,37	20
	Юқори бурамга эга хом ипак (креп суровый)	1,2	0,884	1,35	16
	Юқори бурамга эга пишитилган ипак (креп отваренный)	1,1	1,052	1,37	14
4	Полиамид иплар				
	Комплекс иплар (комплексные)	1,5	0,566	1,14	35
	Текстурланган (текстурированные)	1,62	0,485	1,14	32
5	Полиэфир иплар				
	Комплекс иплар (комплексные)	1,28	0,777	1,38	32
	Текстурланган иплар (текстурированные)	1,48	0,582	1,38	30
	Юқори бурамга эга ип (креповые)	1,1	1,052	1,38	30
6	Вискозалик, мис аммиаклик				
	Комплекс иплар (комплексные)	1,1	1,052	1,52	15
	Креп иплар (креповые)	1,0	1,273	1,52	12
7	Комплекс ацетат иплар	1,48	0,582	1,3	12
8	Вискоза толалари	1,23	0,848	1,52	10
9	Ацетат толалари	1,3	0,753	1,3	8
10	Полиэфир толалари	1,26	0,777	1,38	20
11	Полиамид толалари	1,48	0,582	1,17	20
12	Поливинил хлорид толалари	1,26	0,802	1,4	18
13	Поливинилакрил толалари	1,30	0,753	1,3	12

Тўқимадаги ипнинг таранглиги ипни шаклини ўзгаришига олиб келади. Бу холат хом ашёга, ипнинг физик-механиқ хусусиятларига, тузилиш омилларига, тўқима ҳосил бўлиши ва пардозлашга боғликдир. Тўқимадаги иплар цилиндр ёки эллипс шаклига якин кўринишга эга бўлади.

Цилиндирсимон шаклдаги ипларнинг диаметри қуйидаги формула билан аниқланади.

$$d = d_y \cdot \tau_н \qquad (13)$$

бунда: d_y -тўқувчиликка қадар бўлган ўрамдаги ипнинг доира кесим юзаси диаметри; τ -ипнинг тўқимада деформацияланиш коэффициенти (қисилиш τ_1 ёки τ_2 узайиши).

Ўрамдаги ипнинг деформациялангунгача кўндаланг кесим майдони.

$$S_k = \frac{\pi d_k^2}{4} \qquad (14)$$

Тўқимадаги ипнинг кўндаланг кесим майдони.

$$S = \frac{\pi \cdot d^2}{4} = \frac{\pi \cdot d_n^2 \cdot \tau}{4} \qquad (15)$$

ипнинг кўндаланг кесим майдони қисқариши ва унинг узайиши ҳисобига бўлган, ипдаги толаларни зичланиш даражаси:

$$\mu = \frac{\gamma_м}{\gamma_{мп}} \qquad (16)$$

бунда: $\gamma_м$ -деформациягача бўлган (урамдаги) ипнинг ўртача зичлиги.

$\gamma_{мп}$ -деформациядан кейин бўлган (тўқимадаги) ипнинг ўртача зичлиги.

Эллипссимон шаклдаги ипнинг диаметри.

Ипнинг горизонтал ўлчами

$$d_г = d_п \cdot \eta_г \qquad (17)$$

ипнинг вертикал ўлчами

$$d_в = d_п \cdot \eta_в \qquad (18)$$

бунда: $\eta_г$, $\eta_в$ – ипнинг горизонтал, вертикал ўлчамларининг ўзгариш коэффициенти.

Ғижимланиш экцентриситети (ипнинг эгилиши)

$$e = \frac{d_в}{d_г} \quad \text{ёки} \quad e = \frac{\eta_в}{\eta_г} \qquad (19)$$



1-расм. Ипларнинг кесим диаметри шакллари

3-БОБ. ТУКИМАДА ИПНИНГ ЖОЙЛАШИШИ

Тўқимада ипнинг жойлашиши,танда (h_T) ва арқоқ (h_a) тўлиқ баландлиги, ҳамда уларнинг ярим тўлқин (l_T ,l_a) узунликлари билан ифодаланади.

Тўлқин баландлиги танда ва арқоқ ипларнинг қопланиши (2а- расм) ва арқоқ ипнинг қопланиши (2б- расм) масофаси билан аниқланади.

Иккита ёнма-ён жойлашган танда ипларнинг оралиғидан ўтган арқоқ ипнинг қопланиши горизонтал масофаси танда ва арқоқ ипларнинг ярим тўлиқ эгилишининг узунлиги деб белгиланади.



2-расм. Тўқимада ипларнинг жойлашиши

Ипнинг тўқималарда жойлашиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- тўқиманинг ўрилишига;
- танда ва арқоқ бўйича зичлигига;
- танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичлигига;
- хом ашёнинг толавий таркибига;
- тўқувчилик усули.

Ипларнинг тўқимада жойлашиши учта асосий консепциядан (системадан) иборат.

1. Тўқимада эгилиши кўпроқ бўлган бир система ипи, бошқа система ипини ўзига бўйсундириши бир чизиқда жойлашади.
2. Танда ва арқоқ иплари, тўқимада эгилиши бир хил бўлиши мумкин ва бир чизиқда жойлашади.
3. Бир система ипнинг иккинчи система ипига таъсири, натижасида икки система иплари ҳар хил тўлқинсимон шаклга эга бўлиб, ҳар хил тўлқин баландлигига эга бўлади.

Бир қатламли тўқимада танда ва арқоқ ипларининг тўлқин баландликлари йиғиндиси шу ипларнинг диаметрлари йиғиндисига тенг.

$$h_T + h_a = d_T + d_a \qquad (1)$$

Танда ип эгилишининг ярим тўлқин узунлиги (2-расм)

$$l_T = (d_T + d_a) / (tg\alpha_T + tg\beta_T) \qquad (2)$$

Арқоқ ип эгилишининг ярим тўлқин узунлиги

$$l_a = (d_T + d_a) / (tg\alpha_a + tg\beta_a) \qquad (3)$$

2- расмга асосланиб

$$tg\,\alpha_T = \frac{h_a}{l_T}; \qquad tg\,\beta_T = \frac{h_T}{l_T}; \qquad (4)$$

$$tg\,\alpha_a = \frac{h}{l_a}; \qquad tg\beta_a = \frac{h_a}{l_a}; \qquad (5)$$

Профессор Н.Г. Новиковнинг фазали тўқима тузилиш назариясига кўра, танда ва арқоқ ипларнинг эгилиш тўлқини баландлигига асосланиб тўқима тузилиши тўққизта фазаси мавжуд. (3- расм) ва аниқ шартлар билан белгиланади.

-полотно ўрилишли тўқима

-цилиндрсимон шаклга эга танда ва арқоқ иплари

-ўлчов бирлиги қилиб ип радиуси танланган

-танда ва арқоқ ипларининг диаметрлари ўзаро тенг ($d_T = d_a = 2r$; ва $d_T / d_a = 1/1$), ёки танда ипи диаметри арқоқ ип диаметрига нисбатан икки баробар катта бўлса ($d_T = 2$, $d_a = 4r$ ва $d_T / d_a = 2/1 = 4/2$).

Танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари ўзаро ($d_T = d_a$) тенг бўлганда биринчи фазада (3-расм) танда ипи тўқимада бир текис бўлади (эгилиш тўлқинининг баландлиги нолга тенг, яъни $h_T = 0$), арқоқ эса максимал эгилишга эга бўлади, (арқоқнинг эгилиш тўлқинининг баландлиги ўзининг тўғри радиусиги тенг, яъни $h_a = 4r$).

Тўққизинчи фазадаги тўқиманинг тузилишида эса тескари бўлади ($h_a = 0$), танда ипдари эса максимал эгилишга эга бўлади ($h_T = 4r$).

Бир фазадан кейинги фазага ўтишда, бир система ипнинг эгилиш тўлқинининг баландлиги камайиб бориши ва бошқа система ипнинг эгилиш тўлқинининг баландлиги камайиб бориши ва бошқа система ипнинг эгилиш тўлқинининг кўпайиб боришининг фарқи бир хил кўрсаткичларга эгадир.

Тўқиманинг тузилиши II фаза тартибида танда ипнинг эгилиш баландлиги $h_T = 0{,}5$ r арқоқ ипнинг эса (1) асосланиб $h_a = 4r - 0{,}5r = 3{,}5r$ тенг бўлади.

Тўқиманинг тузилиш фаза тартиби танда ва арқоқ ипларининг эгилиш тўлқинининг баландлиги нисбати ht/ha билан аниқланади.

Танда ва арқоқ ипларнинг диаметри бир хил бўлмаса ($d_T = 4r$, $d_a = 2r$, бунда r-арқоқ ипнинг радиус ўлчами).

Тўқима тузилиш фазасида танда иплари бир текис чизиққа хос бўлса, IX тартибда тузилиш фазаси учун арқоқ ипи бир текис чизиққа хосдир.

Қолган фаза тартибли учун, бир фазадан кейинги фазага ўтиши эгилиш тўлқинларининг фарқи аниқланади.

$(d_T + d_a) / 8 = (4r+2r) / 0,75$

Диаметри ҳар хил бўлган иплар учун тўқима тузилиши фазаси 3 жадвалда келтирилган.

2 ва 3 жадвалларда полотно ўрилиши унинг танда ва арқоқ бўйича, *8r*-га тенг бўлган геометрик зичлиги учун тавсиф келтирилган.

Иккита ёнма-ён жойлашган ипларнинг айлана марказларининг оралиғи геометрик зичлигини ифодалайди.

2 жадвал

Тузилиш фаза тартиби	Эгилиш тўлқинининг баландлиги *r* орқали белгиланади		h_T / h_a нисбатининг коэффициенти
	Танда h_T	Арқоқ h_a	
I	0	4	0/8=0
II	0,5	3,5	1/7=0,143
III	1	3	1/3=0,333
IV	1,5	2,5	3/5=0,6
V	2	2	2/2=1
VI	2,5	1,5	5/3=1,666
VII	3	1	3/1=3,0
VIII	3,5	0,5	3,0/0,5=7
IX	4,0	0	4/0=∞


I
II
III
IV
V
l_T
h_T
l_a
h_a
$d_T + d_a$



3-расм. Тўқима тузилишнинг фаза тартиби

3-жадвал

Тўқима тузилишнинг фаза тартиби	Эгилиш тўлқинининг баландлиги r оркали белгиланади		h_T / h_a нисбатининг коэффициенти
	Танда , h_T	Арқоқ , h_a	
I	0	6	0
II	0,75	5,25	1/7
III	1,5	4,5	1/3
IV	2,25	3,75	3/5
V	3,0	3,0	1
VI	3,75	2,25	5/3
VII	4,5	1,5	3/1
VIII	5,25	0,75	7/1
IX	6	0	∞

Геометрик зичлик, тўқимадаги танда ва арқоқ бўйича бўлган, техналогик зичлигига тескари ўлчамдир.

$$l = \frac{100}{P_T} \qquad (6)$$

$$l_y = \frac{100}{P_a} \qquad (7)$$

бунда: P_T , P_a - танда ва арқоқ бўйича технологик зичликлар.

Критик геометрик зичлиги иккита ёнма ён жойлашган иплар оралиғи (танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари йиғиндси) билан ифодаланади.

$$l_{кр} = d_T + d_a \qquad (8)$$

Бундан полотно ўрилишнинг технологик зичлиги қуйидагича ифодаланади.

$$P = \frac{100}{l_{кр}} = \frac{100}{d_o + d_y} \qquad (9)$$

Агар геометрик зичлиги l критик зичлигидан $l_{кр}$ кам бўлса, демак чегараланган тузилиш фазалари мавжуд, бунда танда ва арқоқ иплари ёнма-ён жойлашган бўлиб сиқилмасдан шакли ўзгармаган, яъни ипларнинг оралиқ масофаси арқоқ ипнинг диаметрига (биринчи холатда) ва танда ипнинг диаметрига (иккинчи холатда) тенгдир. Тўқима тузилишнинг чегараланган фаза тартибини АВС учбурчак ёрдамида (4- расм) қуйидаги формуладан аниқласа бўлади.

$$h = \sqrt{l_1^2 - d^2} \qquad l_1 = d_T + d_a \qquad (10)$$

$$l = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - h^2}$$

юкори чегара учун

$$h_{a\max} = \sqrt{l_1^2 - d_a^2} = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - d_a^2} \qquad (11)$$

ва (1) формулага асосланиб.

$$h_{T\min} = \sqrt{d_T + d_a} - h_{a\max} \qquad (12)$$

Пастки чегара учун.

$$h_{T\max} = \sqrt{l_1^2 - d_T^2} = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - d_T^2} \qquad (13)$$

$$h_{a\min} = \sqrt{d_T + d_a} - h_{T\max} \qquad (14)$$

h_T/h_a нисбати ёрдамида тўқима тузилишининг фаза тартиби чегарасини аниқласа бўлади.

Масалан: Пахта толалардан полотно ўрилишда тўқилган тўқимани тузилиш фаза тартиби аниқлансин, чизиқли зичлиги 50 тексга тенг танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари.

$$d_T = d_a = 0{,}0316 \cdot C\sqrt{T} = 0{,}0316 \cdot 1{,}25\sqrt{50} = 0{,}279$$

бунда: C - ип толасига боғлик бўлган коэффициент, (пахта толалари учун C=1,25).



4-расм. Тўқимани чегараланган фаза тартибида ипларни жойлашиши

Тўқима тузилиш фазаси юқори чегараси учун

$$h_{a\max} = \sqrt{(0{,}279 + 0{,}279)^2 - 0{,}279^2} = 0{,}4832$$

$$h_{T\min} = (0{,}279 + 0{,}279) - 0{,}4832 = 0{,}0748$$

$$\frac{h_{T\min}}{h_{a\max}} = \frac{0{,}0748}{0{,}4832} = 0{,}1548$$

2 жадвалдан кўриниб турибдики, $h_{T\min} / h_{a\max}$ кўрсаткичи II фаза тартибига яқин кўрсаткичдир.

Танда ипларнинг оралиқ масофаси

$$l_T = \sqrt{(0{,}279 + 0{,}279)^2 - 0{,}0748^2} = 0{,}553$$

Арқоқ ипларининг оралиқ масофаси.

$$l_a = \sqrt{(0{,}279 + 0{,}279)^2 - 0{,}4832^2} = 0{,}2791$$

Тўқиманинг танда бўйича чегараланган технологик зичлиги.

$$P_T = \frac{100}{0{,}553} = 180{,}8 \qquad \text{ип/дм}$$

Тўқиманинг арқоқ бўйича чегараланган технологик зичлиги.

$$P_a = \frac{100}{0{,}2791} = 358{,}3 \qquad \text{ип/дм}$$

Тўқима тузилиш фазасининг пастки чегараси

$$h_{T\max} = \sqrt{(0{,}279 + 0{,}279)^2 - 0{,}279^2} = 0{,}4832$$

$$h_{a\min} = (0{,}279 + 0{,}279) - 0{,}4832 = 0{,}0748$$

$$\frac{h_{T\min}}{h_{a\max}} = \frac{0{,}4832}{0{,}0748} = 6{,}46$$

2 жадвалдан кўриниб турибдики $h_{T\min} / h_{a\max}$ кўрсаткичи VIII фаза тартибига яқин кўрсаткичдир.

Танда ипларнинг оралиқ масофаси

$$l_T = \sqrt{(0{,}279 + 0{,}279)^2 - 0{,}4832^2} = 0{,}279$$

Арқоқ ипларнинг оралиқ масофаси

$$l_a = \sqrt{(0{,}279 + 0{,}279)^2 - 0{,}0748^2} = 0{,}553$$

Тўқиманинг танда бўйича чегараланган технологик зичлиги

$$P_T = \frac{100}{0{,}2791} = 358{,}3 \qquad \text{ип/дм}$$

Тўқиманинг арқоқ бўйича чегараланган технологик зичлиги

$$P_a = \frac{100}{0{,}553} = 180{,}8 \qquad \text{ип/дм}$$

II- фаза тартибига яқин кўрсаткичли тўқималарни арқоқ бўйича зичлиги юқори (сатин, молескин) деб белгиланади. Бундай тўқималарда арқоқ бўйича зичлиги 1,5-2 баробар, катта бўлади ва арқоқ бўйича қискариши, танда бўйича қисқаришига нисбатан катта бўлади.

Танда иплари таранглиги юқори бўлганлиги сабабли тўқув дастгоҳида тўқима ҳосил қилиш жараёни анча мураккаблашади.

VIII- фаза тартибига яқин бўлган кўрсаткичли тўқималарни танда бўйича зичлиги юқори (атлас, диоганал) деб белгиланади.

Танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичликлари тенг бўлганда тўқиманинг танда бўйича зичлиги, арқоқ бўйича зичлигига нисбатан 1,5-2 баробар юқори бўлади. Танда ипнинг тўқимада қисқариши, арқоқ ипига нисбатан, юқоридир. Тўқув дастгохида арқоқ ипнинг таранглиги, танда ипи таранглигига нисбатан юқори.

Тўқималарнинг кўрсаткичлари IV-V-VI тўқима тузилиш фаза тартибига яқин бўлса, ипларнинг чизиқли зичликлари бир хил бўлгандагина, тўқиманинг танда бўйича зичлиги арқоқ бўйича зичлигига нисбатан, 1,1-1,5 баробар юқори бўлади.

4-БОБ. ТЎҚИМАНИНГ ТАНДА ВА АРҚОҚ БЎЙИЧА ЗИЧЛИГИ

Тўқиманинг танда P_T ва арқоқ P_a бўйича технологик зичликлари бир ўлчамдаги (дециметр ёки сантиметрдаги) танда ва арқоқ ипларнинг сонини кўрсатади.

$$P_T = \frac{n_T}{l_T} \qquad (1)$$

$$P_a = \frac{n_a}{l_a} \qquad (2)$$

бунда: n_T, n_a-танда ва арқоқ иплар сони; l_T, l_a-танда ва арқоқ бўйича тўқима узинлиги.

Технологик зичликлар: (белгиланган тўқима тузилиш фаза тартиби бўйича) амалда (фактическая), максимал ва чегараланган зичликларга бўлинади.

Тўқиманинг амалдаги зичлиги маълум тўқимадаги ҳақиқий зичликдир. Тўқимачилик саноатида бу зичликни ГОСТ да ёки техник шарт “ТУ”да келтирилади.

Танда бўйича технологик зичлиги ва арқоқ бўйича технологик зичликлар нисбатини, тўқиманинг зичлик бўйича нотекислик даражаси (m_p) ёки зичликлар нисбати коэффициенти (K_p) деб аталади.

$$m_p = K_p = \frac{P_T}{P_a} \qquad (3)$$

Ҳар қандай P_T ва P_a сон жиҳатдан танланганидан қатъий назар, нотекислик даражаси ва зичликлар нисбати коэффициенти ўзаро тенг.

Танда ва арқоқ бўйича максимал зичликлар, тўқиманинг маълум бир узунликдаги танда ва арқоқ ипларнинг максимал иплар сонини билдиради (бўш оралиқларсиз).

Полотно ўрилишли тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича максимал зичлигини (ипларнинг доирали шаклидаги шарти билан) қуйидагича аниқланади.

$$P_{T\max} = \frac{100}{l_T} \qquad (4)$$

$$P_{a\max} = \frac{100}{l_a} \qquad (5)$$

бунда: d_T, d_a- тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг доирали кесим диаметрлари; h_T, h_a- тўқимадаги танда ва арқоқ ипларни эгилиш тўлқини баландлиги, қуйидагиларни хисобга олганда.

$$l_T = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - h_T^2} \qquad (6)$$

$$l_a = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - h_a^2} \qquad (7)$$

бунда: l_T, l_a-тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг (тўқиманинг фаза тузилишини ҳисобга олганда) минимал геометрик зичлиги. (5 расм)

Тўқима тузилиш фазаси тартиби

$$h_T = \frac{d_T + d_a}{2} \cdot K_{h_T} = d_{ўр} \cdot K_{h_T} \qquad (8)$$

$$h_a = \frac{d_T + d_a}{2} \cdot K_{h_a} = d_{ўр} \cdot K_{h_a} \qquad (9)$$

бунда: K_{h_T}, K_{h_a} –тўқиманинг тузилиш фазаси тартибига боғлиқ бўлган танда ва арқоқ ипларни эгилиш тўлқини баландлигини ҳисобга олувчи коэффициентлар.

$$K_{h_T} = (Ф - 1)/4 \qquad (10)$$

$$K_{h_a} = (9 - Ф)/4 \qquad (11)$$

бунда: $Ф$-тўқима тузилиш фазаси тартиби.

4 жадвалда тўқиманинг тузилиш фазаси тартибига боғлиқ бўлган коэффициент кўрсаткичлари берилган.

Танда ва арқоқ бўйича минимал раппорт узунлигига ипларнинг доира кесими бир текс ва ипларнинг бўш оралиқсиз жойлашишини ҳисобга олганда қўшиш керак(5 расм).

$$L_{RT} = l_T t_a + d_T(R_T - t_a) \qquad (12)$$

$$L_{Ra}=l_a t_T+d_a(R_a-t_T) \qquad (13)$$

бунда: t_T, t_a –тўқиманинг танда ва арқоқ иплари билан арқоқ ипларнинг танда иплари билан раппорт оралиғида кесишиш сони.

Танда ва арқоқ бўйича раппортда R_T, R_a тузилиш фазаси тартибига кўра, ипларнинг жойланишини ҳисобга олганда тўқимадаги максимал танда ва арқоқ ипларнинг зичликлари қуйидагича аниқланади.

$$P_{T\max}=\frac{100R_T}{L_{RT}}=\frac{100R_T}{l_T t_a+d_T(R_T-t_a)} \qquad (14)$$

$$P_{a\max}=\frac{100R_a}{L_{Ra}}=\frac{100R_a}{l_a t_T+d_a(R_a-t_T)} \qquad (15)$$

4 жадвал

Коэф-фи-циент	Тўқима тузилиш фазаси тартиби								
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
K_{hT}	0	0,25	0,5	0,75	1,0	1,25	1,5	1,75	2
K_{ha}	2	1,75	1,5	1,25	1,0	0,75	0,5	0,25	0
$K_{hT}+K_{ha}$	2	2	2	2	2	2	2	2	2

Тўқимадаги ипларнинг ўлчамлари, тўқувчилик жараёнида ипларнинг шаклини ўзгаришига, ўрилишга ва тўқиманинг тузилиш фазасига боғлиқдир. Тўқимадаги ипларнинг кўндаланг кесими доира шаклида бўлса, диаметри қуйидагича аниқланади.

Танда бўйича $d_T = d_{Tn} \cdot \tau_T$ (16)

Арқоқ бўйича $d_a = d_{an} \cdot \tau_a$ (17)

бунда τ_T, τ_a-ипларнинг шаклини ўзгариши (деформация) йиғиндисини ва тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг кўндаланг кесим ўзгариш майдонини ҳисобга олувчи коэффициентлар. τ_T ёки τ_a=0,69÷0,9; d_{Tn} d_{an}-тўқувчиликгача бўлган ўрамалардаги танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари.



5-расм. Тўқимани ўрилиш геометрик модели

Тўқимадаги, кўндаланг кесими эллипс шаклида бўлган ипларни диаметри:

$$d_{Tг} = d_{Tn} \cdot \eta_{Tг} \quad (18)$$

$$d_{аг} = d_{an} \cdot \eta_{аг} \quad (19)$$

$$d_{Tв} = d_{Tв} \cdot \eta_{Tв} \quad (20)$$

$$d_{ав} = d_{ав} \cdot \eta_{ав} \quad (21)$$

бунда: $d_{Tг}, d_{аг}$- тўқимадаги танда ва арқоқ ипларининг горизонтал ўлчамлари;

$d_{Тв,}d_{ав}$ –тўқимадаги, эллипссимон, танда ва арқоқ ипларнинг вертикал ўлчамлари; $\eta_{Тг,}$ $\eta_{аг}$ - тўқимадаги танда ва арқоқ эллипссимон ипларнинг горизонтал катта ўқ бўйича ўлчамларни ўзгартирувчанликни ҳисобга олувчи коэффициентлар. (1,1-2,0); $\eta_{Тв}$,$\eta_{ав}$–тўқимадаги танда ва арқоқ эллипссимон ипларнинг вертикал (кичик ўқ бўйича) ўлчамларни ўзгарувчанликни ҳисобга олувчи коэффициентлар 0,4-0,87.

Ипларнинг эгилиш тўлқинининг баландлиги турли тузилиш фазалари учун қуйидагича аниқланади.

Танда иплари учун $$h_T=\frac{d_{Тв}+d_{ав}}{2}\cdot K_{hT} \quad (22)$$

арқоқ иплари учун. $$h_a=\frac{d_{Тв}+d_{ав}}{2}\cdot K_{ha} \quad (23)$$

Раппорт узунлигини аниқлаш.

Танда бўйича $$L_{RT}=l_T t_a+d_{Тг}(R_T-t_a) \quad (24)$$

арқоқ бўйича $$L_{Ra}=l_a t_T+d_{аг}(R_a-t_T) \quad (25)$$

Эллипснинг каноник тенгламасини ечими қуйидагича ифодаланади.

$$l_T=\sqrt{\frac{(d_{Тг}+d_{ав})^2(d_{Тв}+d_{ав})^2-\left(\frac{(d_{Тг}+d_{ав})^2}{2}\cdot K_{hT}\right)\cdot(d_{Тг}\cdot d_{ав})^2}{(d_{Тв}+d_{ав})^2}} \quad (26)$$

$$l_a=\sqrt{\frac{(d_{Тг}+d_{ав})^2(d_{Тв}+d_{ав})^2-\left(\frac{(d_{Тг}+d_{ав})^2}{2}\cdot K_{ha}\right)\cdot(d_{Тг}\cdot d_{ав})^2}{(d_{Тв}+d_{ав})^2}} \quad (27)$$

Тўқима тўқилиш фазаси тартибларини ҳисобга олганда, максимал зичлиги.

Танда бўйича.

$$P_{T\max} = \frac{100 \cdot R_T}{L_{RT}} = \frac{100 \cdot R_T}{l_T \cdot t_a + d_{Tг}(R_T - t_a)} \qquad (28)$$

Арқоқ бўйича

$$P_{a\max} = \frac{100 \cdot R_a}{L_{Ra}} = \frac{100 \cdot R_a}{l_a \cdot t_T + d_{aг}(R_a - t_T)} \qquad (29)$$

Тўқиманинг, қачонки $l_T = d_T$ ёки $l_a = d_a$ (ипнинг кўндаланг кесишиши доира шаклда бўлгандагина) танда ва арқоқ бўйича хаддига етган (энг катта-максимал чегарасига етган) зичлиги деб номланади.

$$P_{Tпред} = \frac{100 \cdot R_T}{d_T} \qquad (30)$$

$$P_{апред} = \frac{100 \cdot R_a}{d_a} \qquad (31)$$

Тузилиш фаза тартибларини кўриб чиққанда (3 расм), полотно ўрилишли тўқимада VIII тузилиш фаза тартибини атрофида танда бўйича зичлигининг кўрсаткичи энг юқори кўрсаткичга етган, II тузилиш фаза тартибини атрофида эса зичликнинг энг юқори кураткичи арқоқ бўйича эканлигига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Полотно ўрилишли тўқимадаги ипнинг кўндаланг кесими эллипссимон шаклда булганда, энг юқори (максималл) тўқима зичлиги қуйидагича аниқланади.

Танда бўйича $$P_{Tпред} = \frac{100}{d_{Tг}} \qquad (32)$$

Арқоқ бўйича $$P_{апред} = \frac{100}{d_{aг}} \qquad (33)$$

Масалан: Пахтага оид полотно ўрилишли тўқиманинг, танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичликлари $T_T = T_a$=50 текс, ипнинг диаметри доира шаклда қирқимга эга, тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг йиғинди деформацияси коэффициенти танда учун τ_T=0,9; арқоқ учун τ_a=0,92; *C*-толавий таркибини ҳисобга олувчи каэффициенти.

Тўқувчилик жараёнигача булган танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари:

$$d_{Tn} = 0,0316\ C\sqrt{T}_T = 0,0316 \cdot 1,25 \cdot \sqrt{50} = 0,279\ мм$$

$$d_{an} = 0,0316\ C\sqrt{T_a} = 0,0316 \cdot 1,25 \cdot \sqrt{50} = 0,279\ мм$$

Тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари.

$$d_T = d_{Tn} \cdot \tau_T = 0,279 \cdot 0,9 = 0,251\ мм$$

$$d_a = d_{an} \cdot \tau_a = 0,279 \cdot 0,92 = 0,257\ мм$$

Тўқима тузилиш фазаси тартиби V-учун тўқимада ипнинг эгилиш баландлиги $K_{hт}=K_{ha}$ (4 жадвал).

$$h_T = \frac{d_T + d_a}{2} \cdot K_{hT} = \frac{0,251 + 0,257}{2} \cdot 1 = 0,254мм$$

$$h_a = \frac{d_T + d_a}{2} \cdot K_{ha} = \frac{0,251 + 0,257}{2} \cdot 1 = 0,254мм$$

Тўқиманинг геометрик зичлиги

Танда бўйича.

$$l_T = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - h_T^2} = \sqrt{(0,251 + 0,257)^2 - 0,254^2} = 0,44мм$$

Арқоқ бўйича

$$l_a = \sqrt{(0,251 + 0,257)^2 - 0,254^2} = 0,44мм$$

Максимал технологик зичлик

Танда бўйича

$$P_{T\max} = \frac{100}{l_T} = \frac{100}{0,44} = 227,3ип / дм$$

Арқоқ бўйича

$$P_{a\max} = \frac{100}{l_a} = \frac{100}{0,44} = 227,3ип / дм$$

Олинган натижаларни таққослаш мақсадида тўқимадаги ипларни эллипссимон шаклдаги қирқимли диаметри учун қуйдагиларни келтирамиз

$\eta_{аг}=\eta_{Tг}=1,55$, $\eta_{ав}=\eta_{Tв}=0,58$

Тўқимадаги ипнинг ўлчами

Горизонтал бўйича

$d_{Tг}=d_{aг}=0,279\cdot1,55=0,432$ *мм*

Вертикал бўйича.

$d_{Tв}=d_{aв}=0,279\cdot0,55=0,153$ *мм*

V Тўқима тузилиш фазаси учун ипнинг эгилиш тўлқини баландлиги

$$h_T=h_a=\frac{d_{Tв}+d_{aв}}{2}\cdot K_{hT}=\frac{0,153+0,153}{2}\cdot1=0,153мм$$

Тўқиманинг геометрик зичлиги

$$l_T=l_a=\sqrt{\frac{(0,432+0,153)^2(0,153+0,153)^2-\left(\frac{0,153+0,153}{2}\cdot1\right)^2\cdot(0,432+0,153)^2}{(0,153+0,153)^2}}=0,507мм$$

Танда ва арқоқ бўйича тўқиманинг максимал геометрик зичлиги

$$P_T=P_a=\frac{100}{l_T}=\frac{100}{l_a}=\frac{100}{0,507}=197,2ип/дм$$

Юқоридаги натижаларни таққослаганда, қуйидаги ҳулосага келамиз.

- Эллипссимон шаклдаги ипларнинг максимал технологик зичлиги доира шаклдаги қирқим ипларига нисбатан паст.
- Тўқима тузилиши фаза тартиби ошиши билан, тўқиманинг танда геометрик зичлиги камаяди, арқоқ бўйича ошади,
- Тузилиш фазаси тартиби ошиши билан танда бўйича максимал технологик зичлиги ошади, арқоқ бўйича камайади, шунингдек зичликлар нисбати коэффициенти ошади.

5-БОБ. ТЎҚИМАНИНГ НИСБИЙ ЗИЧЛИГИ

5.1 Тўқимани тўлдириш ва қопланиш даражаси

Тўқиманинг абсолют зичлиги тўлиқ баҳолай олмайди, чунки ипнинг чизиқли зичлиги ҳисобга олинмайди. Шу сабабли нисбий зичлик катталиги (даража, тўқима тўлдириш коэффициенти) қўлланилади.

Тўқима юзасини танда ёки арқоқ ипи билан тўлдириш даражаси; тўқима юзасини танда ёки арқоқ ипи билан қопланган юза нисбати ёки тўқиманинг амалий зичлигини тўқиманинг максимал зичлиги нисбатини ифодалайди (6-расм)

Танда бўйича

$$З_T = \frac{юзаAGID}{юзаABCD} = \frac{AG}{AB} = \frac{d_T}{\frac{1}{P_T}} = d_T P_T \qquad (1)$$

арқоқ бўйича

$$З_a = \frac{юзаDCHE}{юзаABCD} = \frac{HC}{BC} = \frac{d_a}{\frac{1}{P_a}} = d_a P_a \qquad (2)$$

Тўқима юзасини тўлдириш даражаси, танда ва арқоқ билан тўлдирилган юзани тўқима юзаси нисбатига айтилади

$$З_{Тўқ} = З_T + З_a - З_T \cdot З_a \qquad (3)$$

Турли ўрилишли тўқималарда, ипларнинг маълум чизиқли зичлиги ҳамда тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичликлари тенг тўқима юзасини тўлдириш ҳам бир хил бўлади.

Масалан, полотно ва сатин ўрилишли тўқималар ипнинг чизиқли зичлигини (T_T, T_a), тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичликларини (P_T, P_a), танда ва арқоқ бўйича ўрилиш раппортини ва ипнинг раппорт оралиғида кесишиш сонини ҳисобга олувчи умумий кўрсаткич-бу тўқима юзасини толали материаллар билан қопланиш коэффициенти. Тўқиманинг ҳақиқий

зичлиги ва максимал зичлиги нисбати тўқиманинг толали материал билан қопланиш коэффициентини ифодалайди.



6-расм

Тўқимани қопланиш коэффициенти

Танда бўйича

$$K_{H_T} = \frac{P_T}{P_{T\max}} = \frac{P_T(R_T d_T + t_a d_a)}{100 R_T} \qquad (4)$$

Арқоқ бўйича

$$K_{H_a} = \frac{P_a}{P_{a\max}} = \frac{P_a(R_a d_a + t_T d_T)}{100 R_a} \qquad (5)$$

бунда: P_{Tmax}, P_{amax} - танда ва арқоқ бўйича максимал зичлиги

$$P_{T\max} = \frac{100 R_T}{R_T d_T + t_a d_a} \qquad (6)$$

$$P_{a\max} = \frac{100 R_a}{R_a d_a + t_T d_T} \qquad (7)$$

(6) ва (7) формулаларда махражда кўрсатилган ифода–бу тўқимадаги танда ва арқоқ бўйича битта раппорт узунлигидир.

Тўқимани қопланиш коэффициенти, тўқув дастгохида тўқимани ишлаб чиқариш кескинлигини таърифлайлди ва қуйдагича аниқланади.

$$K_{НТўқ} = K_{НТ} \cdot K_{На} \qquad (8)$$

Қанчалик, тўқимани қопланиш коэффициенти бирга яқин бўлгани сари, шунча тўқимани тўқув дастгоҳида ишлаб чиқариш кескинлашади.

Тўқима зичлиги қуйидагича аниқланади.

$$P_T = K_{НТ} \cdot P_{Tmax} \qquad (9)$$

$$P_a = K_{На} \cdot P_{amax} \qquad (10)$$

Тўқима тузилиш фазаси I-IV тартибли тўқималар учун, арқоқ бўйича зичликлари максимал, танда бўйича эса максимал кўрсаткичдан кичик бўлиши керак, чунки тўқимани қопланиш коэффициенти кўрсаткичи:

-арқоқ бўйича ($K_{На}$ >1) бирдан юқори бўлиши керак.

-танда бўйича ($K_{НТ}$ <1) бирдан кичик бўлиши керак.

Тузилиш фазаси VI-IX тартибли тўқималар учун, танда бўйича зичликлари максимал, арқоқ бўйича эса максимал кўрсаткичидан кичик бўлиши керак, чунки тўқимани қопланиш коэффициенти кўрсаткичи:

-танда бўйича ($K_{НТ}$ >1) бирдан юқори бўлиши керак.

-арқоқ бўйича ($K_{На}$ <1) бирдан кичик бўлиши керак.

Тузилиш фазаси V тартибли тўқималар учун, тўқимани қопланиш коэффициенти кўрсаткичи танда ва арқоқ бўйича ($K_{НТ}$ <1, $K_{На}$ >1) бирдан кичик бўлиши керак, чунки тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича ҳақиқий зичликлари максимал зичлигига нисбатан кичик бўлиши керак.

Тузилиш фазаси V тартибли тўқималарни ишлаб чиқарилиши мураккаблашади, чунки танда ва арқоқ бўйича қопланиш коэффициентлари $K_{НТ}$ ва $K_{На}$ кўрсаткичлари бирга яқинлиги ва тўқиманинг қопланиш коэффициенти $K_{НТўқ}$ кўрсаткичи ҳам бирга яқиндир.

5.2 Боғланиш коэффициенти

Тўқимани дастгоҳда ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичларидан яъна бири-боғланиши коэффициентидир

$$K_{\delta}=\frac{P_T P_a T_{ўр}}{F\cdot 1000} \qquad (11)$$

бунда: $T_{ўр}$-танда ва арқоқ ипларнинг ўртача чизиқли зичлиги.

$$T_{ўр}=\frac{2T_T T_a}{T_T+T_a} \qquad (12)$$

бунда: T_T, T_a-танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичликлари.

F-ўртача ўрилиш коэффциенти.

$$F=\frac{2R_T R_a}{t_T+t_a} \qquad (13)$$

бунда: R_T, R_a-танда ва арқоқ бўйича ўрилиш раппортлари; t_T-танда бўйича раппорт оралиғида танда ва арқоқ ипларнинг боғлиқлик кўрсаткичи; t_a-арқоқ бўйича раппорт оралиғида танда ва арқоқ ипларнинг боғлиқлик кўрсаткичи.

Полотно ўрилишли тўқималарнинг боғланиш коэффициенти юқори кўрсаткичга, сатин ўрилишли тўқималарда кичик кўрсаткичга эга.

Сийрак тўқималарда боғланиш коэффициенти кичик кўрсаткичга, зич тўқималарда эса юқори кўрсаткичга эгадир.

5.3 Ипларни тўқималарда қисқариши

Тўқув дастгоҳида тўқимани ишлаб чиқариш шароитида биринчи ўринда баҳолаб берадиган асосий омил қисқариш. Қисқариш кўрсаткичи хом ашё сарфини белгилаб беради. Қисқаришга хом ашё тури, ипнинг чизиқли зичлиги, ипнинг кўндаланг кесим шакли, ўрилиши, тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги, тузилишнинг фаза тартиби, тўқув дастгоҳи омиллари ва тўқимани ишлаб чиқариш-таъсир қилади.

Тўқувчилик жараёнигача бўлган ипнинг узунлиги билан тўқимадаги ипнинг узунлиги айирмаси қисқариш деб номланади.

Танда бўйича $$a_T = \frac{L_T - L_{Тўк}}{L_{Тўк}} \cdot 100\,\%$$ (14)

Арқоқ бўйича $$a_a = \frac{L_a - B_{Тўк}}{B_{Тўк}} \cdot 100\,\%$$ (15)

бунда: L_T ; L_a- тўқувчиликгача бўлган танда ва арқоқ иплар узунлиги;

$L_{Тўқ}$; $B_{Тўқ}$- тўқиманинг эъни ва узунлиги.

Назарий томондан ипнинг қисқаришини тўқиманинг ичида ипларни ўзаро жойлашишидан аниқласа бўлади, шу билан бирга қуйидаги аниқликни киритиш мумкин.

1. Тўқиманиг умумий узунлиги бўйича ипнинг шакли ва кўндаланг кесим юзаси ўзгармас бўлиши;
2. Тўқимадаги икки система ипларнинг кесишиш жойидаги ип марказларининг оралиғи ва қопланишдаги ҳар қайси системанинг қопланиш коэффициентига пропорционал.



7-расм

Тўқимадаги танда ипнинг узунлиги (L_T) (7-расм) *BCDE* синиқ чизиқ узунлиги бўйича аниқланади. Тўқима узунлиги эса *ACDF* тўғри чизиқ бўйича аниқланади.

Танда бўйича қисқариш

$$a_T = \frac{L_{BCDE} - L_{ACDF}}{L_{BCDE}} \cdot 100 \qquad (16)$$

$$a_T = \frac{(BC + CD + DE - AC - CD - DF)}{BC + CD + DE} \cdot 100 = \frac{BC + DE - AC - DE}{BC + CD + DE} \cdot 100 \qquad (17)$$

бунда: *BC, DE* –танда ва арқоқ ипларнинг кесишиш майдонлари.

$$BC = DE = \sqrt{AC^2 + AB^2} = \sqrt{l_{ax}^2 + h_T^2} \qquad (18)$$

$l_{aх}$-арқоқ ипнинг танда ипи билан кесишиш жойидаги ипларнинг марказларининг ҳақиқий оралиғи, яъни тўқиманинг тузилиш фаза тартибини ва тўқиманинг арқоқ бўйича ҳақиқий зичлиги ҳисобга олинганда.

$$l_{ax} = \frac{l_a}{K_{Ha}} = \frac{\sqrt{(d_T + d_a)^2 - h_a^2}}{K_{Ha}} \qquad (19)$$

AC=DF=$l_{aх}$

Ипнинг, тўғри чизиқли майдонининг узунлиги арқоқ иплар оралиғининг ҳажмига тенг бўлади.

$$CD = l_{a2}(R_a - t_T) = \frac{(R_a - t_T) \cdot d_a}{K_{Ha}} \qquad (20)$$

бунда: l_a-узун танда ипнинг қопланиш майдонидаги арқоқ ипларнинг оралиғи.

Юқорида келтирилган формулаларни ҳисобга олганда, тўқимадаги танда бўйича ипларнинг қисқаришини аниқлаймиз.

$$a_T = \frac{t_T(\sqrt{l_{ax}^2 + h_T^2} - l_{ax})}{t_T(\sqrt{l_{ax}^2 + h_T^2} + (R_a - t_T)\frac{d_a}{K_{Ha}}} \cdot 100 \qquad (21)$$

Шу сингари, тўқимадаги арқоқ ипи бўйича ипларнинг қисқаришини аниқласа бўлади.

$$a_a = \frac{t_a(\sqrt{l_{Tx}^2 + h_a^2} - l_{Tx})}{t_T(\sqrt{l_{Tx}^2 + h_a^2} + (R_T - t_a)\frac{d_T}{K_{HT}}} \cdot 100 \qquad (22)$$

бунда: K_{HT} ; K_{Ha} - танда ва арқоқ бўйича тўқимани қопланиш коэффициентлари.

5.4 Тўқимани юза зичлиги

Тўқиманинг юза зичлигини q ўлчам бирлиги 1 м^2 даги тўқиманинг юза зичлиги танда ва арқоқ ипларнинг оралиғидан иборатдир.

q_T-танда ипнинг оралиғи; q_a-арқоқ ипнинг оралиғи.

$$q_T = q_T + q_a = \frac{10P_T \cdot T_T}{1 - \frac{a_T}{100}} + \frac{10P_a \cdot T_a}{1 - \frac{a_a}{100}} \qquad (23)$$

5 жадвалда тўқиманинг юза зичлигини тахминий кўрсаткичлари келтирилган.

5 жадвал

№	Тўқима тури	Тўқима юза зичлиги		
		Енгил	ўрта	оғир
1	Ип газлама (пахтага оид) сунъий ипакдан	100 гача	100 дан 200 гача	200 дан юқори
2	Табиий ипакдан	50 гача	50 дан 100 гача	100 дан юқори
3	Жунли тўқима, қайта таралган жунли	150 гача	150 дан 300 гача	300 дан юқори
4	Юпқа мовутсимон жунли	300 гача	300 дан 500 гача	500 дан юқори
5	Дағал мовутсимон жунли	450 гача	400 дан 6оо гача	600 дан юқори.

5.5 Тўқима йўғонлиги

Тўқимани йўғонлиги қуйидаги ҳусусиятларни аниқлайди: ҳаво ўтказувчанлик, иссиқлик сақлагич, ғижимланиш, бикрлик, қайишқоқлик ва хаказо. Ипларнинг турли толалардан иборатлиги, эгилиш (бурам) даражаси, юмшоқлик ёки силлиқлик тўқиманинг йўғонлигига таъсир қилади.

Тўқиманинг қалинлиги ўрилишга ҳам боғлиқдир, яъни қанчалик ипнинг қопланиши узун бўлса ва тўқиманиг раппортида ипларнинг сони куп бўлса, шунчалик узун қопланишнинг тагида ипларнинг сони ҳам кўп бўлиб, тўқима қалинлашади.

Тўқима зичлиги ва ипларнинг қопланишида эгилувчанлик даражаси ҳам тўқиманинг қалинлигига таъсир қилади, яъни юқорида айтилган омилларнинг кўрсаткичлари катта бўлгани сари, шунчалик тўқима қалин бўлади. Назарий томондан қараганда бир қатламли тўқималарнинг қалинлиги, танда ва арқоқ ипларнинг 2-3мм гача ипнинг диаметрига тенгдир. Агар танда ва арқоқ иплар бир-бири билан (қопланиш) эгилувчанлик даражаси бир хил бўлганда тўқиманинг йўғонлиги қуйидагидан иборатдир.

$$TT = d_a + d_T \qquad (24)$$

Танда ва арқоқ иплари ўзаро эгилувчанлик даражаси турли бўлса, тўқиманинг қалинлиги қуйидагича ифодаланади;

$$TT = 2d_a + d_T \quad \text{ёки} \quad TT = 2d_T + d_a \qquad (25)$$

Масалан: Пахта толали ипдан $T_T=T_a=50$ текс, ўрилиши саржа 1/3, танда бўйича зичлиги 2876 ип/дм, арқоқ бўйича 169 ип/дм, тўқиманинг юза зичлиги 256 г/м квдан иборат бўлган трико кастюм тўқиманинг асосий тузилиш омилларини аниқлаш.

Саржа 1/3 $R_T=R_a=4;\ t_T=t_a=2$.

1. Танда ва арқоқ ипларнинг тўқувчиликгача бўлган диаметри

$$d_{Tп} = 0{,}0316 \cdot C\sqrt{T_T} = 0{,}0316 \cdot 1{,}25 \cdot \sqrt{50} = 0{,}279\ мм$$

$$d_{aп} = 0{,}0316 \cdot C\sqrt{T_a} = 0{,}0316 \cdot 1{,}25 \cdot \sqrt{50} = 0{,}279 мм$$

2. Тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг диаметрлари

$$d_T = d_{Tn} \cdot \tau_T = 0{,}279 \cdot 0{,}9 = 0{,}251 мм$$

$$d_a = d_{an} \cdot \tau_a = 0{,}279 \cdot 0{,}92 = 0{,}257 мм$$

3. Тўқиманинг қўлланиш мақсади бўйича тузилиш фаза тартиби ва ипларнинг диаметрининг нисбати.

Тузилиш фазо *V* тартиби учун $K_{hT}=K_{ha}=1$

4. Тўқимадаги ипнинг эгилиш тўлқинининг баландлиги;

$$h_T = \frac{d_T + d_a}{2} \cdot K_{hT} = \frac{0{,}251 + 0{,}27}{2} \cdot 1 = 0{,}254 \ мм$$

$$h_a = \frac{d_T + d_a}{2} \cdot K_{ha} = \frac{0{,}251 + 0{,}257}{2} \cdot 1 = 0{,}254 \ мм$$

5. Танда бўйича тўқиманинг геометрик зичлиги

$$l_T = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - h_T^2} = \sqrt{(0{,}251 + 0{,}257)^2 - 0{,}254^2} = 0{,}44 мм$$

$$l_a = \sqrt{(d_T + d_a)^2 - h_a^2} = \sqrt{(0{,}251 + 0{,}257)^2 - 0{,}254^2} = 0{,}44 мм$$

6. Танда бўйича тўқиманинг максимал технологик зичлиги

$$P_{T\max} = \frac{100 \ R_T}{R_T d_T + d_a t_a} = \frac{100 \cdot 4}{4 \cdot 0{,}251 + 0{,}257 \cdot 2} = 263{,}5 ип / дм$$

Арқоқ бўйича

$$P_{a\max} = \frac{100 \ R_a}{R_a d_a + d_T t_T} = \frac{100 \cdot 4}{4 \cdot 0{,}257 + 2 \cdot 0{,}251} = 261{,}5 ип / дм$$

7. Тўқиманинг толалар билан қопланиш коэффициенти

Танда бўйича $K_{HT} = \frac{P_T}{P_{T\max}} = \frac{287}{263{,}5} = 1{,}089$

Арқоқ бўйича $K_{Ha} = \frac{P_a}{P_{a\max}} = \frac{269}{261{,}5} = 0{,}646$

Тўқимадаги $K_{HT} = K_{HT} \cdot K_{Ha} = 1{,}089 \cdot 0{,}646 = 0{,}703$

Тўқиманинг толалар билан тўлдириш коэффициентларининг нисбатлари ($K_{HT}>K_{Ha}$), тўқув дастгоҳида нормал шароитда ҳосил бўлишини кўрсатади.

8. Тўқимада ипнинг қисқариши.

Танда бўйича

$$a_T = \frac{t_T(\sqrt{l_{аф}{}^2 + h_T{}^2} - l_{аф})}{t_T(\sqrt{l_{аф}{}^2 + h_T{}^2} + (R_a - t_T)\frac{d_a}{K_{Ha}}} \cdot 100 = \frac{2(\sqrt{0{,}681^2 + 0{,}254^2} - 0{,}681)}{2(\sqrt{0{,}681^2 + 0{,}254^2} + (4-2)\frac{0{,}257}{0{,}646}} \cdot 100 = \frac{9{,}165}{2{,}249} = 4{,}1\%$$

Арқоқ бўйича

$$a_a = \frac{t_a(\sqrt{l_{Tф}{}^2 + h_a{}^2} - l_{Tф})}{t_a(\sqrt{l_{Tф}{}^2 + h_a{}^2} + (R_T - t_a)\frac{d_T}{K_{HT}}} \cdot 100 = \frac{2(\sqrt{0{,}404^2 + 0{,}254^2} - 0{,}404)}{2(\sqrt{0{,}404^2 + 0{,}254^2} + (4-2)\frac{0{,}251}{1{,}089}} \cdot 100 = \frac{14{,}64}{1{,}42} = 10{,}3\%$$

Бунда:

$$l_{Tф} = \frac{l_T}{K_{HT}} = \frac{0{,}44}{1{,}089} = 0{,}404 \quad , l_{аф} = \frac{l_a}{K_{Ha}} = \frac{0{,}44}{1{,}646} = 0{,}681$$

9. Юза зичлигнинг ҳисоби.

$$q_T = \frac{10P_T \cdot T_T}{10^3 \cdot (1 - 0{,}01a_T)} + \frac{10P_a \cdot T_a}{10^3 \cdot (1 - 0{,}01a_a)} = \frac{10 \cdot 287 \cdot 50}{10^3 \cdot (1 - 0{,}01 \cdot 4{,}1)} + \frac{10 \cdot 169 \cdot 50}{10^3 \cdot (1 - 0{,}01 \cdot 10{,}3)} = 244 г / м^2$$

Ҳисоб бўйча тўқима юза зичлиги натижаси рухсат этилгандан 12 *г/м*^{2} ни ёки 4,9% ни ташкил қилиб бу эса амалий лоихалаш ҳисобларини рухсат этилган мезон оралиғида эканлигини кўрсатади.

10. Тўқима ишлаб чиқариш учун эксцентрикли хомуза ҳосил қилиш механизмли СТБ дастгоҳни танлаймиз.

6-БОБ. ЎХШАШ ТЎҚИМАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Муайян таркибли ва аниқ тузилишга эга, қўлланиш ҳусусиятларга жавоб берувчи, техник-иқтисодий шароитда ишлаб чиқариладиган тўқималарни яратиш тўқима лойиҳалашни ифодалайди.

Тўқима лойиҳалаш жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Лойиҳалаш вазифасини аниқлаш: тўқимани қўлланилиши; техник талаблари (мустахкамлик, емирилишга чидамлилик, эгилувчанлик, юза зичлиги, эстетик ҳусусиятлар ва хаказо); пардозлаш тури ёки тўқиманинг бадиий безаш талабларига эътибор берилади. Масалан, қуйидаги вазифалар қўйилади: маълум тузилиш фазаси бўйича тўқимани тузиш, берилган тўқима юза зичлиги, тўқима юза зичлигини ўзгартирмасдан емирилиш чидамлилигини ошириш, хом ашё кам сарфланадиган ва эффектив юза кўриниши ва хакозо тўқимани тузиш;
2. Тўқима тузиш мувофиқлиги, хом ашё танлаш, тўқиманинг қалинлиги ва унинг хусусиятлари кўрсаткичларининг (тўқимани толалар билан тўлдириш, пардозлашда ўзгаришни ҳисобга олганда) лойиҳалаш усулини яратиш.
3. Тўқимани ишлаб чиқаришда техник хужжатларни расмийлаштириш; тўқимани тахтлаш ҳисоби, ускуналар ва тўқимани тахтлаш техналогик омиллари, тўқувчилик ва пардозлаш корхоналарда тўқимани ишлаб чикариш.
4. Тўқима намуналарини ишлаб чиқариш, уларни тажрибадан ўтказиш, корхона текшируви. Синовдан ўтказиладиган тўқимани ишлаб чиқаришда муқобил вариантни танлаб олиш.
5. Янги тўқимани корхонада ишлаб чиқариш учун техник шартларини (ТУ) тузиш.

Тўқимани тузиш учун ўхшаш ва ноўхшаш (неподобный) тўқималар учун лойиҳа ҳисоби келтирилади.

Бир хил таркибли, ўрилишли ва тўлдирилишли; танда ва арқоқ ипларнинг йўғонлиги ($T_T;T_a$) ва уларнинг зичликларини ($P_T;P_a$) нисбатлари пропорционал-бу тўқималарни ўхшаш тўқималар деб номланади.

$$\frac{T_T}{P_T} = \frac{T_a}{P_a} \qquad (1)$$

Танда ва арқоқ ипларнинг йўғонлаклари уларни зичликларига нисбати нопропорционал ва бу тўқималарни ноўхшаш деб номланади.

Ноўхшаш тўқималар таркиби бўйича, ўрилиш ва тўлдириш бўйича бир хил ва ҳар хил бўлиши мумкин.

Ўхшаш ва ноўхшаш тўқималар мувозанатли ёки номувозанатли бўлиши мумкин.

Ўхшаш тўқима ҳисоби

Ҳисобни лойиҳаланаётган ассортиментнинг, стандарт тўқимани кўрсаткичларига асосланиб олиб борилади. Танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичлиги, танда ва арқоқ бўйича тўқиманинг зичликлари, тўқиманинг нисбий ва юза зичликлари, ипларнинг чизиқли зичликларини тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича нисбатликлари.

$$\frac{T_{Tn}}{P_{Tc}} = \frac{T_{an}}{P_{ac}} \qquad (2)$$

бунда : T_{Tn}, T_{an} -ўхшаш тўқиманинг танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичликлари; T_{Tc}, T_{ac} -стандарт тўқиманинг танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичликлари.

$$T_{Tn} = \frac{T_{an} \cdot T_{Tc}}{T_{ac}}; \qquad T_{an} = \frac{T_{Tn} \cdot T_{ac}}{T_{Tc}}; \qquad (3)$$

$$\frac{P_{Tn}}{P_{Tc}} = \frac{P_{an}}{P_{ac}} \qquad (4)$$

Бунда: P_{Tn}, P_{an} -ўхшаш тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичликлари;

P_{Tc}, P_{ac} -стандартнинг танда ва арқоқ бўйича зичликлари.

$$P_{Tn} = \frac{P_{an} \cdot P_{Tc}}{P_{ac}}; \qquad P_{an} = \frac{P_{Tn} \cdot P_{ac}}{P_{Tc}}; \qquad (5)$$

Тўқиманинг тузилиши ҳисоблаганда ипнинг чизиқли зичлигини ипнинг диаметрига боғлиқлигини, тўқиманинг зичлигини ва тўқима юза зичлигини боғлиқлиги ҳисобга олинади.

Ипнинг чизиқли зичлиги *T*, узунлиги *l* ва ипнинг оғирлиги бир бирига боғлиқлиги ҳаммага маълумдир.

$$T = \frac{m_{un}}{l_{un}} \qquad (6)$$

$$l_{un} = \frac{m_{un}}{T} \qquad (7)$$

Агар, иккита ипниг узунлиги бир хилда, лекин чизиқли зичлиги ҳар хил бўлганда, бунда узунлик қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$l_{un} = \frac{m_c}{T_c} \qquad (8)$$

$$l_{un} = \frac{m_n}{T_n} \qquad (9)$$

Бундан $$\frac{m_c}{T_c} = \frac{m_n}{T_n} \qquad (10)$$

Ипларнинг чизиқли зичликлари ва ип диаметри билан боғлиқлигини аниқлаганда ипнинг солиштирма оғирлиги ҳисобга олинади.

$$m_{un} = \frac{\Pi d^2}{4} \cdot l_{un} \cdot \gamma$$

Бир хил узунликдаги икки ип (ҳар хил диаметрли) оғирлиги

$$m_c = \frac{\pi d_c^2}{4} \cdot \gamma \cdot l \qquad (11)$$

$$m_n = \frac{\pi d_n^2}{4} \cdot \gamma \cdot l \qquad (12)$$

(11) ва (12) формулаларни (10)-формулада қўлласак, қуйидаги куринишга эга бўламиз.

$$\frac{m_c}{T_c} = \frac{m_n}{T_n} = \frac{\pi d_c^2 \cdot \gamma \cdot l_{H/a}}{T_c} = \frac{\pi d_n^2 \cdot \gamma \cdot l_{H/a}}{T_n} \qquad (13)$$

$$\frac{d_c^2}{d_n^2} = \frac{T_c}{T_n}, \qquad \frac{d_c}{d_n} = \frac{\sqrt{T_c}}{\sqrt{T_n}} \qquad (14)$$

Ип диаметрлари илдиз остидаги чизиқли зичликга, тўлдирилиш бирликлари тўғри ифодаланади.

Бундан: $З_{Tn} = З_{Tc}$, $P_{Tn} \cdot d_{Tn} = P_{Tc} \cdot d_{Tc}$ (15)

$З_{an} = З_{ac}$, $P_{an} \cdot d_{an} = P_{ac} \cdot d_{ac}$ (16)

яъни

$$\frac{P_{Tn}}{P_{Tc}} = \frac{d_{Tc}}{d_{Tn}}; \qquad \frac{P_{Tn}}{P_{Tc}} = \frac{\sqrt{T_{Tc}}}{\sqrt{T_{Tn}}}, \qquad (17)$$

$$\frac{P_{an}}{P_{ac}} = \frac{d_{ac}}{d_{an}}; \qquad \frac{P_{an}}{P_{ac}} = \frac{\sqrt{T_{ac}}}{\sqrt{T_{an}}}, \qquad (18)$$

Ўхшаш тўқиманинг зичлиги илдиз остидаги ипнинг чизиқли зичлигига қайта пропорционал.

Ўхшаш тўқималарнинг оғирликлар нисбатлари аниқ бир қонунга боғлиқдир.

Бир метр квадрат ўхшаш тўқима оғирлиги

$$m_{Tn} = \frac{10 \quad P_{n\,T} \cdot T_n}{1000} \qquad (19)$$

Бир метр квадрат стандарт тўқима оғирлиги

$$m_{cT} = \frac{10 \quad P_{c\,T} \cdot T_c}{1000} \qquad (20)$$

бундан

$$\frac{m_{Tn}}{m_{cT}} = \frac{P_{nT} \cdot T_n}{P_{cT} \cdot T_c}; \qquad (21)$$

Агар, юза зичликларини бир хилда сақлаб қолиниши лозим бўлса,

$$P_{nT} \cdot T_n = P_{cT} \cdot T_c \qquad (22)$$

Бундан $$\frac{P_{nT}}{P_{сг}} = \frac{T_c}{T_n}; \qquad (23)$$

Юқоридагиларни ечган ҳолда, ўхшаш тўқималарни оғирликлари нисбатларини қуйидагича кўринишга эга бўлади.

Ўхшаш тўқималарни оғирликлари илдиз остидаги ипнинг чизиқли зичликларига тўғри пропорционал.

Масалан: *T_T=50 текс, T_a=50 текс, P_T=287 ип/дм, P_a=169 ип/дм 10 см* тўқимадаги танда ипларининг сони ва ўхшаш тўқиманинг оғирлиги аниқлансин, яъни *T_T=50 текс* ипни ўрнига *T_T=40 текс* ипи қўлланилган. Ўхшаш тўқимани *(T_{ay})* ипнинг чизиқли зичлиги ва арқоқ бўйича 10 см даги иплар сони аниқласин.

Ўхшаш тўқиманинг оғирлигини аниқлаймиз.

$$\frac{m_{Tn}}{m_{cT}} = \frac{\sqrt{T_c} \cdot T_n}{\sqrt{T_n} \cdot T_c} = \frac{\sqrt{T_n}}{\sqrt{T_c}}; \qquad (24)$$

яъни ўхшаш тўқима оғирлиги 8,49 % га енгил бўлади.

Ўхшаш тўқиманинг танда бўйича зичлиги

$$P_{Tn} = P_{Tc} \cdot \sqrt{T_{Tc}} / \sqrt{T_{Tn}}$$

Арқоқ бўйича

$$P_{an} = P_{ac} \cdot \sqrt{T_{ac}} / \sqrt{T_{an}}$$

$$T_{an} = \frac{T_{Tn} \cdot T_{ac}}{T_{Tc}}$$

Ўхшаш тўқималарни ҳисобини танда ва арқоқ ипларини чизиқли зичлигини, тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлигини, тўқиманинг ўрилишини ўзгарганда ҳам бажарса бўлади.

Тўқима зичлиги ҳисобини ипларнинг чизиқли зичлигини ўзгарганда ҳам қуйидаги нисбат ёрдамида бажарса бўлади.

$$P_T \cdot \sqrt{T_T} = P_a \sqrt{T_a} \qquad (25)$$

Арқоқ ипининг чизиқли зичлигини ўзгартирганда ҳам ўхшаш тўқиманинг арқоқ бўйича зичлигини аниқласа бўлади.

$$P_a = P_T \cdot \sqrt{T_T} / \sqrt{T_a} \qquad (26)$$

Танда ипи чизиқли зичлигини ўзгартириб, тўқиманинг танда бўйича зичлигини аниқлаш мумкин.

$$P_T = P_a \cdot \sqrt{T_a} / \sqrt{T_T} \qquad (27)$$

Дастгоҳда ўхшаш тўқима ишлаб чиқариш мураккаблашгани сабабли дастгоҳнинг тахтлаш омиллари ўзгариши лозим.

Ўхшаш тўқима ўрилиши ўзгартирганда, қуйидаги ҳисоб бўйича бажарилади.

$$P_T \cdot \sqrt{D_1} = P_a \sqrt{D_2} \qquad (28)$$

бунда; D_1,D_2-стандарт ва ўхшаш тўқималар учун раппорт оралиғида ипларнинг кесишиши (қопланиши)

$$D_1 = (D_{T1} + D_{a1}) / 2 \qquad (29)$$

$$D_2 = (D_{T2} + D_{a2}) / 2 \qquad 30)$$

$$D_{T1} = D_{T2} = \frac{\sum t_T}{R^2} \qquad (31)$$

$$D_{a1} = D_{a2} = \frac{\sum t_a}{R_a^2} \qquad (32)$$

бунда; $t_т$;t_a-бир система танда ёки арқоқ ипини бошқа система арқоқ ёки танда ипининг раппорт оралиғида кесишиш сони.

Ўхшаш тўқимада ипнинг чизиқли зичлигини ва ўрилишини ўзгартирган ҳолда, бажариладиган ҳисоб.

$$P_T \cdot \sqrt{T_T}\sqrt{D_1} = P_a \cdot \sqrt{T_T}\sqrt{D_r} \qquad (33)$$

Ўхшаш тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги

$$P_a = \frac{P_T \sqrt{T_T}\sqrt{D_1}}{\sqrt{T_a}\sqrt{D_2}} \qquad (34)$$

ёки ўхшаш тўқиманинг танда бўйича зичлиги

$$P_T = \frac{P_a \sqrt{T_a}\sqrt{D_2}}{\sqrt{T_T}\sqrt{D_1}} \qquad (35)$$

Тўқиманинг юза зичлигининг ип чизиқли зичлигига ва ўрилишига боғлиқ бўлган нисбий тенгламаси

$$\frac{m_{Tn}}{m_{cT}} = \frac{\sqrt{T_n}}{\sqrt{T_c}} \cdot \frac{\sqrt{D_1}}{\sqrt{D_2}} \qquad (36)$$

Масалан: 1/3 ўрилишли янги тўқиманинг (пахта толаси, йўғонлиги 18,5 тексли ипдан иборат бўлган) юза зичлигини аниқлаш. Ўхшаш ип газламаси полотно ўрилишли, ипнинг чизиқли зичлиги 50 текс юза зичлиги 152 г/м. кв.тўқима ишлаб чиқарилган.

Полотно ўрилишга.

$$D_1 = \frac{\frac{\sum t_T}{R_T^2} + \frac{\sum t_a}{R_a^2}}{2} = \frac{\frac{4}{2^2} + \frac{4}{2^2}}{2} = 1$$

Саржа ўрилишга

$$D_2 = \frac{\frac{\sum t_T}{R_T^2} + \frac{\sum t_a}{R_a^2}}{2} = \frac{\frac{8}{4^2} + \frac{8}{4^2}}{2} = 0,5$$

Ипнинг чизиқли зичлиги ўзгармаган холда

$$m_{Tn} = \frac{m_{cT}\sqrt{D_1}}{\sqrt{D_2}} = \frac{152\sqrt{1}}{\sqrt{0,5}} = 215 \quad г/м^2$$

Ипнинг чизиқли зичлиги ўзгарган холда.

$$m_{Tn} = \frac{m_{cT}\sqrt{D_1}\sqrt{T_n}}{\sqrt{D_2}\sqrt{T_c}} = \frac{152\sqrt{1}\cdot\sqrt{18,5}}{\sqrt{0,5}\cdot\sqrt{50}} = 131 \quad г/м\ I$$

7-БОБ. ТЎҚИМА УЗУНЛИГИ БИРЛИГИ БЎЙИЧА ИП СОН ҲИСОБИ

7.1. Иплар диаметри кесишиш назарияси

Бир система ип диаметри оралиғининг иккинчи ип юзасига ўтиши ҳисобга олган ҳолда тўқиманинг кўндаланг кесимини, квадрат тузилишга эга тўқималар учун кўриб чиқамиз.

8-расмда, тўқимадаги ўрилиш раппорт узунлигининг умумий кўриниши.

$$L_R = R \cdot d + td = d(R + t) \qquad (1)$$

бунда: L_R- тўқимадаги ўрилишнинг бир раппорт узунлиги, мм; R-ўрилиш раппортидаги иплар сони; d-ипнинг диаметри, мм; t-раппорт доирасидаги, танда ва арқоқ ипларининг кесишиш сони. Бир сантиметрдаги раппорт сони

$$\frac{10}{L_R} \qquad (2)$$

Бир сантиметрдаги ипларнинг сони, яъни танда ва арқоқ ипларнинг ўрилишини таъсирини ҳисобга олганда (берилган ипнинг чизиқли зичлигида) максимал зичлик

$$P = \frac{10\ R}{L_R}, \quad \frac{ип}{см} \qquad (3)$$

(3) тенгламага L_R (1) ни қўйиб, қуйидаги формулага эга бўламиз.

$$P = \frac{10\ R}{d(R + t)} = \frac{10 \cdot R \cdot M}{R + t}, \quad \frac{ип}{см} \qquad (4)$$

бунда: $M = \frac{1}{d}$ 1мм оралиғида жойлашган иплар сони.

Ўртача қопланиш” тушунчасини киритамиз $F=R/t$, унинг узунлиги қарши система ипнинг сони билан ифодаланади ва суръат билан махраж t кўрсаткичига бўлинади.

$$P = \frac{10\ \frac{R}{t} M}{\frac{R}{t} + 1} = \frac{10 \cdot M \cdot F}{F + 1} \quad \frac{ип}{см} \qquad (5)$$



8-расм. Тўқимада иплар диаметри кесишиши

Ипни, тўқиманинг бир томонидан иккинчи томонига, ўтиш масофаси (8-расмда) да кўрсатилган.

Аниқлаймиз

$X = BC - d$ $\Delta ABC \Leftrightarrow BC = \sqrt{(2d)^2 - d^2} = d\sqrt{3}$ (6)

Бундан $X = d\sqrt{3} - d = d(\sqrt{3} - 1) = 0{,}732d$ (7)

натижада келиб чиқади. $P = \dfrac{10 \cdot R \cdot M}{R + 0{,}732t} = \dfrac{10 \cdot M \cdot F}{F + 0{,}732}$ (8)

Масалан: Диаметрларнинг кесишиш назариясига асосланиб ип газламали саржа 3/3 ўрилишли, ипнинг чизиқли зичлиги $T_T = T_a = 50$ текс квадрат тузилишли тўқиманинг “max”-мал ипнинг 10 см даги зичлиги сонини аниқлаймиз

$$d_a = d_T = 0{,}316 \cdot C\sqrt{T} = 0{,}316 \cdot 1{,}25\sqrt{50} = 0{,}279 мм$$

$$F = \frac{R}{t} = \frac{6}{2} = 3; \qquad M = \frac{1}{d} = \frac{1}{0{,}279} = 3{,}58$$

$$P = \frac{10 \cdot R \cdot M}{F + 0{,}732} = \frac{10 \cdot 3{,}58 \cdot 3}{3 + 0{,}732} = 28{,}8 \quad \frac{ип}{см}$$

Нотекис тўқималар учун, танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичликлари, танда ва арқоқ бўйича зичликлари турли бўлса тўқиманинг максимал зичлиги аниқланади:

Танда бўйича

$$P_T = \frac{10 \cdot R_T}{R_T \cdot d_T + t \cdot d_a} = \frac{10 \cdot F_T}{F_T d_T + d_a} \quad \frac{ип}{см} \qquad (6)$$

Арқоқ бўйича

$$P_a = \frac{10 \cdot R_a}{R_a \cdot d_a + t \cdot d_T} = \frac{10 \cdot F_a}{F_a d_a + d_T} \quad \frac{ип}{см} \qquad (7)$$

Диаметрларнинг кесишиш назариясини камчилиги, шундаки формулаларда $P_т$ танда ва P_a арқоқ бўйича зичликлари тўқиманинг битта ип учун кесишиши кўриб чиқилади, бутун ўрилиш учун эмас.

Масалан: олти шодали сатин билан саржа 3/3 ҳар хил кесишишдан иборат яъни тузилиш бўйича ҳар хил, лекин бир хил ўртача қопланишга эга.

$F = \dfrac{R}{t} = \dfrac{6}{2} = 3$

Лекин, амалда эса саржа 3/3 тўқиманинг максимал зичлиги олти шодалик сатин тўқиманинг максимал зичлигига нисбатан катта. Бу холат, зичликларни ҳисобини бажарганда, хамма оддий ўрилишли (узунлиги ва эни бўйича ўрта қопланишлари бир хиллигидаги) тўқималарни уч гуруҳга бўлишга имкон беради атлас, саржа ва рогожка ўрилишли. Ҳар бир гуруҳга ўрилишни ҳисобга олувчи коэффициент тузилган, яъни ўзгартириш коэффициенти. Шунинг учун, келиб чиққан тўқиманинг максимал зичлигини, кўрсаткичи ўзгартириш коэффициентига фарқ қилади.

7.2 Квадрат тузилишли тўқима учун, даражали функция усулида зичлик ҳисоби

$P_т=P_а$, $T_Т=T_а$ ($N_т=N_а$) бўлганда тўқимани квадрат тузилишга эга ҳисобланади.

Квадрат тузилишли ип газлама, мовут тўқималарни зичлигини қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$P = 42,7\sqrt{N}\cdot F^{m} \quad \text{ёки} \quad P = 1350 \cdot F^{m} / \sqrt{T} \qquad (8)$$

бунда: N-ипнинг метрик номери

F^m-ўрилиш коэффициенти;

$N=1$ ёки чизиқли зичлиги $T=1000$ тексли ипдан полотно ўрилишли квадрат тузилишга эга тўқиманинг максимал зичлиги доимий коэффициенти 42,7 ва 1350 га эга бўлганда ҳисобланади.

Полотно ўрилиш учун $F=2/2=1$, Бундан $F^m=1$

$$P = 42,7\sqrt{1}\cdot 1 = 42,7 \; ип / дм$$

Саржа ўрилиши учун максимал тўлдирилиш коэффициенти 42,7 $F^{0,39}$ га тенг.

Сатин ўрилиши учун $42,7F^{0,42}$, рогожка ўрилиши учун $-42,7F^{0,45}$. Демак, полотно ўрилишига яқин бўлган тўлдириш коэффициенти, турли саржа, сатин, рогожка ўрилишли тўқималар учун ҳам олиш мумкин.

6-жадвалда амалий ҳисобларни енгиллаштириш учун F^m кўрсаткичлари натижалари келтирилган.

Масалан: Танда ва арқоқ N=20 тенг бўлган иплардан тўқилган саржа 3/3 ўрилишли квадрат тузилишли тўқиманинг максимал келтирилган зичлигини
аниқлаш.

6 жадвал

Ўрилиш гуруҳи	F / T	F^m кўрсаткичлари											
		1,5	2,0	2,5	3,0	3,5	4,0	5	6	7	8	9	10
Саржа	0,39	1,17	1,3	1,43	1,54	1,63	1,72	1,87	2	2,14	2,25	2,35	2,45
Сатин	0,42	-	1,34		1,59	1,68	1,79	1,96	2,12	2,27	2,4	2,52	2,63
Рогожка	0,45	-	1,37	-	1,64	-	1,87	2,06	2,25	2,4	2,55	2,68	2,82

.

Ўрта қопланиш. $F = \frac{R}{t} = \frac{6}{2} = 3$

Жадвалдан саржа учун F=3 тенг бўлган F^m кўрсаткични танлаб, яъни 1,54 га тенглигини аниқлаймиз.

$$P_{кв} = 42,7\sqrt{N}\cdot F^m = 42,7\sqrt{20}\cdot 1,54 = 294 \; ип/дм$$

7.3. Хом ашё номери бўйича нотекис тўқималарнинг даражали функция усулида зичлик ҳисоби

Хом ашё номер бўйича нотекис тўқималарда $N \neq N$; $P_т = P_а$ эга бўлади. Танда ва арқоқ иплари учун максимал зичликлар қуйидагича аниқланади

$$P = 42,7\sqrt{N_{ўр}}\cdot F^m = 1350 \cdot F^m / \sqrt{T_{ўр}} \qquad (9)$$

Ипларнинг ўртача номери

$$N_{ўр} = \frac{2N_T \cdot N_a}{N_T + N_a} \qquad (10)$$

Ипларнинг ўртача чизиқли зичликлари.

$$T = \frac{T_T + T_a}{2} \qquad (11)$$

Масалан: ипнинг чизиқли зичлиги T_T=50 текс, $T_а$=40 текс бўйича нотекис тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича максимал зичлигини аниқлаш.

Тўқима ўрилиши саржа 3/3.

Ўрта қопланиш

$$F = \frac{R}{t} = \frac{6}{2} = 3$$

6-жалвалдан саржа учун F=3.

F^m=1,54

Бундан

$$T_{ўр} = \frac{T_T + T_a}{2} = \frac{50 + 40}{2} = 45 \ текс$$

Тўқиманинг максимал зичлиги

$$P = 1350 \cdot F^m \sqrt{T_{ўр}} = 1350 \cdot 1,54 / \sqrt{45} = 310 \ ип / дм$$

7.4. Зичлик бўйича нотекис тўқималарнинг даражали функция усулида зичликнинг ҳисоби

Зичлик бўйича нотекис тўқималарда $P_т \neq P_а$; $N_т$=$N_а$ бўлади. Бундай нотекис тўқималарда арқоқ бўйича зичлик қуйидагича аниқланади.

$$P_a = P_{кв}^{1,67} \cdot P_T^{-0,67} \qquad (12)$$

Бунда: $P_{кв}$ –квадрат тузилишли тўқиманинг зичлиги, яъни

$$P_т = P_а$$

$P_т$-нотекис тўқиманинг танда бўйича зичлиги.

Квадрат тузилишга эга 40% юқори ҳолда танда ва арқоқ иплар зичлигини камайтириш тавсия этилмайди.

Масалан: Чизиқли зичлиги $T_T = T_а = 50$ текс, танда бўйича зичлиги $P_т = 380$ ип/дм, тўқиманинг ўрилиши рогожка 3/3. Ип газламали тўқиманинг арқоқ бўйича зичлигини ва қонуний ўзгаришини аниқлаш.

Квадрат тузилишли тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги қуйидагича аниқланади.

$$P_{кв} = 1350 \cdot F^{m} \sqrt{T} = 1350 \cdot 1,64 / \sqrt{50} = 313 \; ип / дм$$

$$F = \frac{R}{t} = \frac{6}{2} = 3$$

6-жадвалдан $F=3$ учун $F^m=1,64$.

Нотекис тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги:

$$P_а = P_{кв}^{1,67} \cdot P_T^{-0,67} = 313^{1,67} \cdot 380^{-0,67}$$

$$l_а P_а = 1,67 \cdot \lg 313 - 0,67 \lg 380 ;$$

$$P_а = 278 \; ип / дм$$

“$P_а$”-ни квадрат тузилишли тўқиманинг зичлигидан оралиқ чегараси.

$$\frac{P_{кв} - P_а}{P_{кв}} \cdot 100 = \frac{313 - 278}{313} \cdot 100 = 11,2\%$$

Келиб чиққан зичликни $P_а$ мувофиқ деб биламиз, чунки унинг $P_{кв}$-га нисбатан четга чиқиши 40% дан ошмаган.

7.5. Зичлик ва ипнинг чизиқли зичлиги бўйича нотекис тўқималарнинг даражали функция усулида зичлик ҳисоби

Нотекис тўқималарда зичлик $P_т \neq P_a$ ва ипнинг чизиқли зичлиги $T_T \neq T_a$, бўлади.

Нотекис тўқималарнинг арқоқ бўйича зичлиги

$$P_a = P_{кв}^{1+0,67\sqrt{N_a/N_T}} \cdot P_T^{-0,67\sqrt{N_a/N_T}} \qquad (13)$$

Ёки $$P_a = P_{кв}^{1+0,67\sqrt{T_T/T_a}} \cdot P_T^{-0,67\sqrt{T_T/T_a}} \qquad (14)$$

бунда: $P_{кв}$-ипларнинг турли чизиқли зичликга эга квадрат тузилишли тўқиманинг зичлиги.

Масалан: Ўрилиш саржа $2/1 \cdot 2/2$; ипларнинг чизиқли зичлиги T_T=35,8 текс, T_a=45,5 текс.

Ип газламанинг максимал зичлигини аниқлаш. P_a=0,88$P_т$ қабул қиламиз.

Ўрта қопланиши $$F = \frac{R}{t} = \frac{7}{4} = 1,75$$

Ипнинг ўрта чизиқли зичлиги

$$T_{ўр} = \frac{T_T + T_a}{2} = \frac{35,8 + 45,5}{2} = 40,65\ текс$$

Квадрат тузилишли тўқиманинг зичлиги

$$P_{кв} = 1350 \cdot F^m / \sqrt{T_{ўр}} = 1350 \cdot 1,75^{0,39} / \sqrt{40,65} = 1350 \cdot 1,245 / \sqrt{40,65} = 264\ ип/дм$$

Нотекис тўқиманинг арқоқ бўйича тўқима зичлиги

$$P_a = P_{кв}^{1+0,67\sqrt{T_T/T_a}} \cdot P_T^{-0,67\sqrt{T_T/T_a}} = 264^{1+0,67\sqrt{35,8/45,5}} \cdot P_T^{-0,67\sqrt{35,8/45,5}} = 264^{1,594} \cdot P_T^{-0,594}$$

Бундан $P_a = 264^{1,594} \cdot P_T^{-0,594}$

Икки тенгламани ечган ҳолда

$$\begin{cases} P_a = 264^{1,594} \cdot P_T^{-0,594} \\ P_a = 0,8 \cdot P_T \end{cases}$$

$$0,8P_T = 264^{1,594} \cdot P_T^{-0,594}$$

$$P_T^{1,594} = \frac{264^{1,594}}{0,8}$$

$$P_T = 2,64^{1,594}\sqrt{\frac{1}{0,8}} = 264 \cdot 1,15 = 303 \text{ип/дм}$$

$$P_T = 0,8 \cdot 303 = 242 \text{ип/дм}.$$

8-БОБ. ТУЗИЛИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА ЮЗА ЗИЧЛИГИ БЎЙИЧА ТЎҚИМА ЛОЙИХАЛАШ

Ушбу масалани ечиш учун лойиҳаланаётган тўқима тузилиши кўрсаткичларини аниқлаш лозим.

1. Танда ва арқоқ ипларнинг чизиқли зичликларини нисбати

$$\frac{T_T}{T_a} = n \qquad (1)$$

2. 10 см даги танда ва арқоқ бўйича тўқимани зичликлари нисбати

$$\frac{P_T}{P_a} = m \qquad (2)$$

3. Квадрат тузилишли тўқима учун тўлдириш коэффициенти билан боғлиқ бўлган, ўрилиш, агар, ипларнинг чизиқли зичликлари ва тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичликлари тенг бўлса, яъни $T_т=T_a$; $P_т=P_a$, тўқиманинг танда ($K_т$) ва арқоқ (K_a) бўйича тўлдириш коэффициенти ҳам тенг бўлади

$$K_т=K_a=K_q \qquad (3)$$

Ипларнинг ўрта чизиқли зичлиги квадрат тузилишли тўқиманинг тўлдириш коэффициенти (K_q) ва тўқиманинг юза зичлиги q (г/м^2) бир-бири билан боғлиқлигини аниқлашда, иккала система ипларнинг келтирилган қисқариш фоизини ва қолдиқ оҳор миқдорини ($У$) ҳисобга олиш зарур, чунки бу омиллар *1 м*^{2} тўқимадаги танда ва арқоқ ипларнинг оғирлигини, тўқима юза зичлигини ҳисоблашда қўлланилади.

Тўқиманинг юза зичлиги (г/м^2)

$$q=\frac{10P_T(1+\frac{a_T}{100})(1+\frac{П_T}{100})T_T}{1000}+\frac{10P_a(1+\frac{a_a}{100})T_T}{1000} \qquad (4)$$

бунда: $P_т$, P_a –10 см тўқимадаги танда ва арқоқ бўйича ипларнинг сони;

$П$-қолдик оҳор миқдори; $a_т$, a_a- танда ва арқоқ ипларнинг қисқариш фоизи; T_T, T_a -танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичлиги, текс

Умумий эквивалент “X” билан алмаштирамиз.

$$(1+\frac{a_T}{100})(1+\frac{П_T}{100})=1+\frac{X}{100} \qquad (5)$$

бундан

$$X = a_T + П_T + \frac{a_T П_T}{100} \qquad (6)$$

Бундан умумий эквивалент X ва a_a учун $У$ бўлади.

Бунда

$$q = \frac{10 P_T (1 + \frac{X}{100}) T_T}{1000} + \frac{10 P_a (1 + \frac{a_a}{100}) T_a}{1000} = \frac{10 P_T (1 + \frac{У}{100}) T_T}{1000} + \frac{10 P_a (1 + \frac{У}{100}) T_a}{1000} \qquad (7)$$

бундан

$$P_T T_T (1 + \frac{X}{100}) + P_a T_a (1 + \frac{a_a}{100}) = (P_T T_T + P_a T_a)(1 + \frac{У}{100}) \qquad (8)$$

Қовусларни очганда ва ўхшаш кўрсаткичларни келтирганда қуйидаги кўринишга эга бўламиз.

$$\frac{1}{100}(P_T T_T X + P_a T_a a_a) = \frac{1}{100} \cdot У (P_T T_T + P_a T_a) \qquad (9)$$

бундан

$$У = (P_T T_T X + P_a T_a a_a) / (P_T T_T + P_a T_a) \qquad (10)$$

Суръат ва махражларни (P_a T_a) га бўлган холда, қуйидаги кўрсаткичларни киритамиз

$$n = \frac{T_T}{T_a}; \qquad m = \frac{P_T}{P_a}$$

Натижада

$$У = \frac{(P_T / P_a)(T_T / T_a) X + a_a}{(P_T / P_a)(T_T / T_a) X + 1} = \frac{m \cdot n \cdot x + a_a}{mn + 1} \qquad (11)$$

Тўқиманинг юза зичлиги (г/м^2)

$$q = \frac{10 P_T (1 + \frac{X}{100}) T_T}{1000} + \frac{10 P_a (1 + \frac{a_a}{100}) T_a}{1000} = \frac{20 P_q (1 + \frac{У}{100}) T_{ўр}}{1000} = \frac{P_q T_{ўр} (1 + \frac{У}{100})}{50} \qquad (12)$$

чунки, квадрат тузилишли тўқима учун $P_т = P_a = P_q$, $Tm = T_a = T_{ўр}$

бундан $P_т = K_т / \sqrt{T_т}$; $P_a = K_a / \sqrt{T_a}$,

Бунда: $K_т$ ва K_a- танда ва арқоқ бўйича қопланиш коэффициенти.

Квадрат тузилишли тўқима учун $P_т=P_a$ ва $Tm=T_a$, бундан келиб чиққан ҳолда $K_т=K_a=K_q$. Бу кўрсаткич K_q квадрат тузилишли тўқиманинг қопланиш коэффициенти. Квадрат тузилишли тўқима учун, бизда

$$P_q = \frac{K_q}{\sqrt{T_{ўр}}} \qquad (13)$$

(13) формулани (12) формулага қўйганда, $T_{ўр}$-ипнинг ўрта чизиқли зичлигини аниқлашга эга бўламиз, шунингдек квадрат тузилишли тўқиманинг тўлдириш коэффициенти функцияси (K_q) келтирилган қисқариш фоизи билан юза зичлигини (q) ва оҳор миқдорини ($У$) аниқлагандек.

$$q = \frac{P_q \cdot T_{ўр}(1+\frac{У}{100})}{50} = \frac{K_q\sqrt{T_{ўр}}(1+\frac{У}{100})}{50}; \qquad (14)$$

$$\sqrt{T_{ўр}} = \frac{50\ q}{K_q(1+\frac{У}{100})};\quad T_{ўр} = \left[\frac{50\ q}{K_q(1+\frac{У}{100})}\right]^2 \qquad (15)$$

Олинган K_q кўрсаткичини, берилган ўрилишнинг юза зичлиги бўйича, квадрат тузилишли тўқимани лойиҳалаш учун меъёр тарзида (маъруза 10 формула (8)) берилган зичланиш коэффициенти φ орқали олиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам:

-полотно ўрилиши учун $K_q=1350\cdot\varphi$ (16)

-саржа ўрилиши учун $K_q=1350^{0,39}\cdot\varphi$ (17)

-атлас ўрилиши учун $K_q=1350^{0,42}\cdot\varphi$ (18)

-рогожка ўрилиши учун $K_q=1350^{0,45}\cdot\varphi$ (19)

Зичланиш коэффициенти φ<1 бўлиши мумкин.

φ=1 бўлганида, берилган юза зичлиги бўйича тўқиманинг максимал зичлигини олиш мумкин.

φ<1 бўлганда, тўқимани максимал зичлигига нисбатан зичлиги кам тўқимани олиш мумкин.

Квадрат тузилишли тўқимани тўлдириш коэффициенти (K_q) олишнинг бошқа усули, ипларнинг чизиқли зичлиги бўйича нотекис тўқима лойиҳалаш мумкин.

Ипнинг ўрта чизиқли зичлигини аниқлашда қуйидаги боғлиқликларни қўллаймиз

$$T_{ўр} = \frac{(m_T + m_a)\cdot 1000}{L_T + L_a}; \qquad (20)$$

бунда: $m_т$; m_a - 1м^2 тўқиманинг танда ва арқоқ ипларнинг оғирлиги.

$l_т$; l_a - 1м^2 тўқиманинг танда ва арқоқ ипларнинг узунлиги.

$$m_T = \frac{10\ P_T\left(1 + \frac{a_T}{100}\right)\cdot T_a}{1000}; \qquad (21)$$

$$m_a = \frac{10\ P_a\left(1 + \frac{a_a}{100}\right)\cdot T_a}{1000}; \qquad (22)$$

$$L_T = 10\ P_T\left(1 + \frac{a_T}{100}\right); \qquad (23)$$

$$L_a = 10\ P_a\left(1 + \frac{a_a}{100}\right); \qquad (24)$$

бунда: $a_т$, a_a-тўқиманинг узунлик ёки энига қаратилган, танда ва арқоқ ипларнинг қисқариш фоизи.

$$T_{ўр} = \frac{\left[10\ P_T(1 + a_T/100\ )T_T + 10\ P_a(1 + a_a/100\ )T_a\right]\cdot 1000}{1000\ \left[10\ P_T(1 + a_T/100\ ) + 10\ P_a(1 + a_a/100\ )\right]} \qquad (25)$$

Қисқартиргандан кейин

$$T_{ўр} = (P_T T_T + P_a T_a)\ /(\ P_T + P_a); \qquad (26)$$

Агар $P_T=P_a$; $T_{ўр}=(T_T+T_a)/2$

(4) формулага, тузилиш кўрсаткичларини $n=T_T/T_a$; $m=P_т/P_a$ ва суръат ва махражларни (P_a, T_a) га бўлган ҳолда.

$$T_{ўр} = \frac{(P_T T_T)/(P_a T_a) + (P_a T_a)/(P_a T_a)}{P_T/(P_a T_a) + P_a/(P_a T_a)} \qquad (27)$$

$$T_{ўр} = \frac{T_a(mn+1)}{(m+1)} \qquad (28)$$

Суръат ва махражни ($P_т$, $T_т$) га бўламиз

$$T_{ўр} = \frac{(P_T T_T)/(P_T T_T) + (P_a T_a)/(P_T T_T)}{P_T/(P_T T_T) + P_a/(P_T T_T)} \qquad (29)$$

$$T_{ўр} = \frac{T_T(mn+1)}{n(m+1)} \qquad (30)$$

Бундан $T_a = T_{ўр} = (m+1)/(mn+1);$ (31)

$$T = \lfloor T_{ўр}(m+1)\cdot n \rfloor / (mn+1) \qquad (32)$$

(31) ва (32) формула бўйича, нотекис чизиқли зичликга эга ипнинг, берилган тўқиманинг юза зичлиги, танда ва арқоқ ипларининг чизиқли зичликги аниқланади.

Ҳар қандай чизиқли зичликга эга бўлган тўқима учун, танда ва арқоқ бўйича тўлдириш коэффициентлар орасидаги боғлиқликни, шунингдек квадрат тузилишли тўқиманинг тўлдириш коэффициенти K_q боғлиқлигини аниқлашимиз мумкин. Бунда тўқима юза зичлиги ўзгармас бўлади.

Юза зичлигини ўзгармас шароити қуйидаги кўринишга эга:

$$q = \left(\frac{10P_T\cdot T_T}{1000} + \frac{10P_a\cdot T_a}{1000}\right)\left(1+\frac{У}{100}\right) = \frac{20P_q\cdot T_{ўр}}{1000}\left(1+\frac{У_1}{100}\right) \qquad (33)$$

(1+$У$/100) ва (1+$У_1$/100) фарқини эътиборга олмаганда, ҳар бир қисмнинг тенгламасини қисқартирамиз.

Тенгламанинг иккала қисмини 100 га кўпайтирамиз ва $P_т$ P_a ва P_q тўлдириш коэффициенти ва ипнинг мувофиқ чизиқли зичлиги орқали ифодаланганда, қуйидаги кўринишга эга бўламиз.

$$K_T T_T/\sqrt{T_T} + K_a T_a/\sqrt{T_a} = 2K_q\cdot T_{ўр}/\sqrt{T_{ўр}} \qquad (34)$$

бу эса $$K_T\sqrt{T_T} + K_a\sqrt{T_a} = 2K_q\cdot\sqrt{T_{ўр}} \qquad (35)$$

(28) формулани келтирилган тенгламага қўйсак ва иккала қисмини қуйидаги кўринишга келтирамиз.

$$K_T \cdot \sqrt{\frac{T_T}{T_a}} + K_a = 2K_q \cdot \sqrt{\frac{mn+1}{m+1}} \qquad (36)$$

$$K_T \cdot \sqrt{n} + K_a = 2K_q \cdot \sqrt{\frac{mn+1}{m+1}} \qquad (37)$$

“*m*” ва “*n*” кўрсаткичлари нечага тенг бўлишидан қатъий назар, турли тўқималар учун $K_т$ ва K_a бир-бирига боғлиқлиги мавжуд.

$$\frac{K_T}{K_a} = \frac{P_T / \sqrt{T_T}}{P_a / \sqrt{T_a}} = m\sqrt{n} \qquad (38)$$

(37) ва (38) ечган ҳолда $K_т$ ва K_a ларни K_q орқали ифодалаш мумкин.

$$K_T = \frac{2K_q m\sqrt{n}}{\sqrt{(mn+1)(m+1)}}; \quad K_a = \frac{2K_q}{\sqrt{(mn+1)(m+1)}}; \qquad (39)$$

Тўқима юза зичлигининг ҳар бир кўрсаткичи тўрт вариантда тўқима ҳисобини беради, яъни:

1. квадрат тузилишли тўқима. $m=1$; $n \neq 1$; бўйича.
2. чизиқли зичлиги нотекис тўқима $m=1$; $n \neq 1$.
3. зичлик бўйича нотекис тўқима $m \neq 1$; $n=1$
4. чизиқли зичлик ва зичлик бўйича нотекис тўқима. $m \neq 1$; $n \neq 1$.

$K_т$ ва K_a кўрсаткичлари тўқимани лойиҳалашда тўртта вариант учун адолатлидир.

1. Квадрат тузилишли тўқима учун ($m=1$, $n=1$)

$$K_T = 2K_q \cdot 1 / \sqrt{(1\cdot 1+1)(1+1)} = 2K_q / 2 = K_q \qquad (40)$$

$$K_a = 2K_q \cdot 1 / \sqrt{(1\cdot 1+1)(1+1)} = 2K_q / 2 = K_q \qquad (41)$$

2. Фақат ипнинг чизиқли зичлиги бўйича нотекис тўқима учун ($m=1$, $n \neq 1$)

$$K_T = 2K_q \cdot 1 \cdot \sqrt{n} / \sqrt{(n+1)(1+1)} = 2K_q \cdot \sqrt{n} / \sqrt{2(n+1)} = K_q \sqrt{2n} / \sqrt{n+1} \qquad (42)$$

$$K_a = 2K_d / \sqrt{2(n+1)} = K_q \cdot \sqrt{2} / \sqrt{(n+1)} \qquad (43)$$

“n” кўрсаткичлари маълум тўқиманинг $K_т$ ва K_a ёрдамида тўқима тенглигини таъминлайди

$$P_T = P_a = \frac{K_q}{\sqrt{T_{ўр}}} \qquad (44)$$

3. тўқиманинг зичлиги бўйича (m=1, n ≠ 1) нотекис тўқима учун

$$K_T = \frac{2K_q m}{\sqrt{(m+1)^2}} = \frac{2K_q m}{m+1}; \qquad (45)$$

$$K_a = \frac{2K_q \sqrt{n}}{\sqrt{(m+1)^2}} = \frac{2K_q \sqrt{1}}{m+1} = \frac{2K_q}{m+1}; \qquad (46)$$

бундан

$$\frac{K_T}{K_a} = \frac{m}{\sqrt{n}} = \frac{m}{\sqrt{1}} = m \qquad (47)$$

Зичликлари нисбати $P_т/P_a=m$, таъминланган, чунки $T_т=T_a$ танда ва арқоқ бўйича зичликлар $K_т$ ва K_a га пропорционал.

Квадрат тузилишли тўқималларда танда ва арқоқ бўйича зичликларни (иккала система иплардан бирини зичлигини оширилганда) 40% кўпга камайтириш тавсия этилмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, $K_{min}=0,6\ K_q$

Фақат зичлик бўйича n=1 нотекис тўқималар учун, (37) формула кўриниши қуйидагича, яъни

$$n=1,\ K_T+K_a=2K_q \qquad (48)$$

бундан

$$K_{max}=2K_q - 0,6K_q=1,4K_q \qquad (49)$$

бундан келиб чиққан ҳолда, $K_т$ ва K_q максимал нисбати (ёки тескари K_a ва $K_т$)

$$\frac{K_T}{K_a} = \frac{1,4\ K_q}{0,6\ K_q} = \frac{14}{6} = \frac{7}{3} = 2\frac{1}{3} \qquad (50)$$

Масалан: Юза зичлиги 360 г/м^2 K_q=1200, тўқима ҳисобини тўрт вариантда *У*=8% (ўртача), лойиҳалансин.

1. Квадрат тузилишли тўқима.
2. Чизиқли зичлиги $T_т/T_a=n$=1,2 бўйича.
3. Зичлик бўйича $P_т/P_а=m$=1,3 нотекис тўқима.
4. Чизиқли зичлик $T_т/T_а=n$=0,8 ва зичлик $P_т/P_а=m$=1,25 бўйича нотекис тўқима.

1. (15); (13); (12) формулалар бўйича квадрат тузилишли тўқима.

$$T_{ўр} = \left[\frac{50\ q}{K_q(1+\frac{У}{100})}\right]^2 = \left[\frac{50\cdot 360}{1200\ \ (1+\frac{8}{100})}\right]^2 = 193\ \ текс$$

$$P_T = P_a = K_q/\sqrt{T_{ўр}} = 1200/\sqrt{193} = 86{,}4 ип/дм$$

